БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 231 (5822).

9 Октябрь 1985 й.

ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

Баҳоси 3 тийин.

3.000.000 ТОННА ПАХТА ТАЙЁР!

БИЗ ҲАММАМИЗ — ПАХТАКОРМИЗ

ИНТЕНСИВ РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДАН

8 октябрь куни Ўзбекистон партия-хўжалик активи йиғилиши бўлди. 1986 йил ва ўн иккинчи беш йилликда СССРни иқтисодий ҳамда социал ривожлантириш планларини ишлаб чиқиш масалаларига бағишлаб КПСС Марказий Комитетида ўтказилган кенгашнинг йўл-йўриқларини амалда рўёбга чиқариш юзасидан республика партия ташкилотининг вазифалари муҳокама этилди.

Йиғилишда область партия комитетларининг секретарлари, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг, область ижроия комитетларининг раислари ва уларнинг ўринбосарлари, йирик саноат корхоналари ва ташкилотлари партия ташкилотларининг секретарлари, министрликлар, идораларнинг, бир қанча корхоналар, бирлашмалар, қурилиш ташкилотларининг, илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институтларининг раҳбарлари, олимлар, ишлаб чиқариш илғорлари, совет, касаба союз, комсомол органлари, халқ контроли, оммавий ахборот ва пропаганда воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев доклад қилди.

Музокараларда Андижон область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Орипжонов, Ўзбекистон СССР Госплани раиси Қ. А. Аҳмедов, Жиззах область партия комитетининг биринчи секретари И. С. Умаров, Тошкент область ижроия комитетининг раиси А. Б. Саидхўжаев, Ўзбекистон ССР енгил саноат министри М. Ҳ. Қурбонов, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг раиси Д. С. Ёдгоров, «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари А. А. Абдураҳмонов, Ўзбекистон ССР маориф министри О. С. Аббосова, Тошкент ГРЭСи энергоблокининг катта машинисти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони И. Муслимов, Ўзбекистон ССР қурилиш министри Ф. Г. Потуремский иштирок этдилар.

Йиғилишда қайд этиб ўтилганидек, ҳозир партия, бутун халқ КПСС XXVII съездига тайёргарлик кўрилаётган масъулиятли бир даврда яшаб, меҳнат қилмоқда. Бу съезд мамлакатни ривожлантиришда катта босқич бўлиб қолади. Съездгача янги таҳриридаги партия Программасини қабул қилиш, навбатдаги вазифаларни ҳал этиш билан чамбарчас боғлиқ ҳолда истиқболдаги йўлни белгилаб олиш керак. КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленумида ва июнь ойида КПСС Марказий Комитетида ўтказилган кенгашда мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш концепцияси ишлаб чиқилди ва уни амалга оширишнинг принципиал йўллари белгиланди. Ўн иккинчи беш йилликда ва 2000 йилгача бўлган даврда мамлакатни иқтисодий ҳамда социал ривожлантириш асосий йўналишларини белгилаш ва ишлаб чиқиш бўлажак съезднинг энг муҳим ҳужжатларидан бири бўлиб қолади. Асосий йўналишлар йиллик планларда конкретлаштирилади. Асосий йўналишларнинг лойиҳасида белгиланган марраларга эришиш экономикани ривожлантиришнинг сифат жиҳатдан янги даражага кўтарилишини, совет кишиларининг моддий ва маданий талаб-эҳтиёжлари қондирилишини, Ватаннинг мудофаа қудратини янада мустаҳкамланишини таъминлайди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари олдида катта, масъулиятли вазифалар турибди. Халқ хўжалигининг иши ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йилидаёқ мумкин қадар кўпроқ самарали бўлиши, зарур суръатга эришиши, партиянинг экономикани ривожлантиришда туб бурилишни таъминлаш соҳасидаги йўл-йўриқларини амалда рўёбга чиқаришнинг масъулиятли босқичи бошланиши бўлиб қолиши лозим. Бунинг учун республикада барча шарт-шароитлар мавжуд. Юксак даражада ривожланган фан-техника потенциали: кўп тармоқли индустрия, замонавий қурилиш базаси, ривожланиб бораётган агросаноат комплекси бор. Ўзбекистонда масъулиятли мураккаб вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган юз минглаб малакали мутахассислар ишлаб турибди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг қарорларига мувофиқ кадрларга нисбатан талабчанлик кучайганлиги, топширилган иш учун уларнинг масъулияти оширилганлиги, ҳамма жойда интизом ва тартиб мустаҳкамланаётганлиги, салбий ҳодисаларга қарши қатъий кураш олиб борилаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Одамлар яхшироқ меҳнат қилиб, ишлаб чиқилган тадбирларни рўёбга чиқариш учун актив курашмоқдалар.

Амалга оширилаётган ишлар сезиларли натижаларни бермоқда. Бу йил ялпи ижтимоий маҳсулот ҳажми ўтган йилга нисбатан 4,7, миллий даромад эса 4,5 процент ошади. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш барқарор кўпайтириб борилмоқда. Шу йил 22 миллиард сўмликдан кўпроқ саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилади. Шуниси диққатга сазоворки, ҳозир саноат ишлаб чиқаришини ўстириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш суръатлари бош йилликнинг аввалги йилларига қараганда анча юқоридир.

Нотиқлар Ўзбекистон экономикасининг аграр секторида, аввало пахтачиликда ижобий силжишлар рўй берганлиги тўғрисида гапирдилар. Икки йилдан буён республикада хўжаликлар билан ҳисоб-китоб қилишнинг янги тартиби амал қилмоқда. Пахтанинг сифатига, ундаги толага қараб ҳақ тўлашга ўтилганлиги маҳсулот хилини яхшилашга, ҳом ашёни сақлаш ва қайта ишлаш вақтида нобуд бўлишини кескин камайтиришга кўмаклашмоқда.

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш юзасидан бош йиллик топшириқларини анча ошириб бажариш кўзда тутилмоқда, шуниси жуда муҳимки, болаларга мўлжалланган моллар ишлаб чиқариш қариб икки баравар кўпаяди. Социал ривожланиш ва халқ фаровонлигини юксалтириш программасини изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга йиғилишда қайд этиб ўтилганидек, ҳали ҳамма ишлар ҳам бажарилган деб бўлмайди, эришилган натижалар билан қаноатланиб қолиш мумкин эмас. Баъзи жойларда иш суръатини сусайтиришга интилиш ҳоллари пайдо бўлган. Кўпгина корхоналар ва ҳатто баъзи тармоқлар ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсишини таъминловчи натижаларга эриша олмадилар. Саноат буюмларининг кўпгина турларини ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик маҳсулотининг айрим турларини харид қилиш топшириқлари бажарилмаяпти. Транспорт ишида муайян беқарорлик намоён бўлмоқда, чакана товар оборотининг ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш топшириқлари бажарилмаяпти.

Ҳозирги босқичда меҳнаткашларнинг ва аввало раҳбар кадрларнинг диққат-эътиборини амалий ишлаб чиқариш проблемаларига, ана шу проблемаларни ҳал этишда, ҳамма жойда талабчанлик руҳини мустаҳкамлашда ҳар бир кишининг шахсий роли ва масъулиятини белгилашга қаратиш партия комитетларининг ғоят муҳим вазифаси эканлиги таъкидланди.

1986 йилги план лойиҳасининг мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантириш асосий йўналишларининг топшириқларига мувофиқлиги унга баҳо беришда асосий мезон бўлмоқда. Шу боисдан ҳам ҳар бир министрлик ва идора, ҳар бир меҳнат коллективи контрол рақамларга мажбурий ва сўзсиз эришиши керак. Республика халқ хўжалигининг барча тармоқларида талайгина фойдаланилмаган имкониятлар бор. «Ташсельмаш», Чирчиқ трансформатор, Тошкент трактор, «Средазкабель», «Ўзбекрезинотехника» каби заводлар ва ишлаб чиқариш бирлашмалари, Наманган абрли газламалар комбинати, бошқа кўпгина корхоналар меҳнат коллективларининг оширилган социалистик мажбуриятлари шундан далолат беради. Бу мажбуриятларнинг реаллиги ишлаб чиқаришни реконструкция қилиш ва кенгайтириш, мазмунавий ва физик жиҳатдан эскириб қолган машина ва ускуналарни алмаштириш, илғор технология жараёнларини татбиқ этиш, кадрлар тайёрлаш сифатини, механизациялаш даражасини ошириш ҳамда техника тараққиётининг бошқа бир қанча йўналишлари бўйича чуқур ўйланган тадбирларга асосланган. Бироқ бу соҳада ҳал қилинмаган бир қанча масалалар бор. Кўпгина раҳбарлар маҳсулот ишлаб чиқаришни корхоналарни техника билан қайта жиҳозлаш йўли билан эмас, балки янги объектлар қуриш ҳисобига кўпайтиришга ҳаракат қиладилар. Шундай ҳам бўладики, қурилиш ишлари ҳали тугалланмагани ҳолда, хўжалик ходимлари реконструкция ишларини бошлаб юборишни талаб қиладилар. Жиззах аккумулятор заводида шундай бўлди. Бундай нобоп практикага қарши актив кураш олиб бориш лозим. Энг янги техника, жумладан саноат роботлари ва манипуляторларига хизмат кўрсатувчи кадрлар проблеми ҳам республикада кескин бўлиб қолмоқда.

Ишлаб чиқариш ҳажмини оширишнинг муҳим резерви — ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланишга ва шу асосда экономикани ривожлантириш суръатларини жадаллаштиришга алоҳида эътибор берилди. Республика саноатида бу йил қувватлардан тўлиқ фойдаланилмаганлиги сабаблигина салкам беш юз миллион сўмлик маҳсулот кам олинди.

Хўжалик механизмини такомиллаштира бориб, ҳамма жойда ва ҳар ишда ғоят қатъий тежамкорликка эришиш зарур. Давр талаби шундай. Аммо айрим министрликлар, бирлашмалар, хўжаликлар ҳом ашё, ёқилғи ва энергияни тежаш топшириқларини бажариш у ёқда турсин, балки, ҳатто план нормаларига ҳам эришмаяптилар, маҳсулот ишлаб чиқаришга моддий харажатлар ортиқча сарфланишига йўл қўймоқдалар. Ёқилғи-энергетика ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш проблеми ҳамма жойда ҳам ҳал этилмаяпти, бу ишда тегишлича контроллик йўқ.

Меҳнат коллективлари шу йил икки кун тежаб қолинган материаллар, ҳом ашё ва ёқилғи ҳисобидан ишлаб бериш мажбуриятини олганликлари учун ҳам меҳнат унумдорлигини пасайтирувчи нобудгарчиликларга қарши шафқатсиз кураш эълон қилиш, интизомни тубдан яхшилаш муҳимдир. Бу эса республика миқёсида моддий харажатларни 189 миллион сўм камайтириш имконини беради.

Йиғилишда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш энг муҳим проблемаларнинг бири деб айтилди. Бу йўналишда бажарилаётган ишлар шу куннинг талабларига, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг кўрсатмаларига тўла мос келаётгани йўқ. 1986 йилги план лойиҳасида бу масала ўз ифодасини топиши зарур.

Министрликлар ва идоралар, бирлашмалар ва корхоналар техникадан яхшироқ фойдаланиш, ходимларнинг малакасини ошириш, меҳнатни ташкил қилиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада формаларини кенг жорий этиш тадбирларини кўзда тутишлари лозимлиги уқтириб ўтилди. Иш жойларининг аттестациядан ўтказилаётганлиги ишлаб чиқариш қувватларидан, машина ва ускуналардан тўлиқроқ фойдаланиш имконини беради. Иш ҳақининг конкрет меҳнат натижаларига қатъий мос келишига эришиш, моддий рағбатлантириш системасида бир текисликка йўл қўймай қаттиқ тартиб ўрнатиш, бунда социал адолат принципларига қатъий риоя этиш муҳимдир. Афсуски, хўжалик ҳисобини жорий этиш ҳамма жойда ҳам зарур самарани бермаяпти.

Йиғилишда республика корхоналарининг кенг миқёсли иқтисодий экспериментда иштироки тўғрисидаги масалаларга катта эътибор берилди. 1986 йилдан бошлаб яна 900 та корхона хўжаликни юритишнинг янги методларига ўтказилади. Келгуси йилги ва ўн иккинчи беш йиллик плани тузилаётган ҳозирги пайтда бунинг асосий йўналишлари ишлаб чиқилмоқда. Янги методлар корхоналарнинг ўз имкониятларини намоён этишлари учун ишлаб чиқариш жараёнининг барча бўғинларини рационализациялаш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаши лозим. Қабул қилинаётган топшириқларнинг тиғизлиги хўжалик кадрлари ҳозирги талабларни қанчалик тушуниб етганликларининг кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади.

Агросаноат комплекси самарадорлигини ошириш партия тинимсиз ғамхўрлик қилаётган соҳадир. Ўн биринчи беш йиллик мобайнида республиканинг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга 13 миллиард сўмдан кўпроқ давлат капитал маблағи сарфланди, асосий фондлар қиймати учдан бир ҳисса ошди. Бироқ хўжаликни интенсив асосда юритиш имкониятларидан етарлича фойдаланилмаяпти. М. С. Горбачев Целиноградда ўтказилган кенгашда қайд этиб ўтганидек, Ўзбекистонда фонд билан таъминлаш сезиларли равишда ошганлигига қарамай, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ҳажмларининг пасайиб кетишига йўл қўйилган. Асосий фондларнинг 1 сўми ҳисобига олинаётган маҳсулот ўтган беш йилликка нисбатан қариб икки баравар камайиб кетди, капитал маблағларнинг 1 сўми ҳисобига маҳсулотнинг ўсиши эса 71 тийиндан 28 тийинга тушиб қолди. Ҳар бир хўжалик учун планлар ишлаб чиқаришнинг эришилган даражасини, алмашлаб экишнинг тўла ўзлаштирилганлигини, айниқса, асосий бойлигимиз — ерга сифатли баҳо беришни ҳисобга олиб ишлаб чиқилиши лозим.

Вазифа республиканинг агросаноат комплекси эга бўлган барча нарсалардан юксак самара олинишини, ишлаб чиқариш самарадорлиги ўсишини таъминлашдан иборат. Фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш, ишлаб чиқариш жараёнларини бутун чоралар билан механизациялаш, юқори унум билан ишлаш борасидаги мавжуд тажрибадан кенг фойдаланиш — ушбу вазифани ҳал этиш калитидир. Ҳолбуки, қўл меҳнати улуши ҳамон юксак даражада қолмоқда. Пахтачиликда бу аввало шунинг учун содир бўлмоқдаки, кўпгина хўжаликларда энг сермеҳнат ва муҳим технология жараёни — машина теримига эътибор қилмасликдек ярқсиз иш ҳамон давом этиб келмоқда. Орттирилган тажриба шундан далолат бермоқдаки, пахта териш машиналаридан самарали фойдаланилаётган жойларда йиғим-терим қисқа муддатларда тугалланмоқда, пахта юқори сортларга топширилмоқда, яхши иқтисодий натижаларга эришилмоқда. Чунончи, Ўрта Чирчиқ районидаги И. Охунбобоев номли колхозда пахта тайёрлаш плани 12 кунда бажарилди, ҳосилнинг 95 проценти машиналарда териб олинди. Бундай мисоллар эса оз эмас.

Йиғилиш қатнашчилари республиканинг олимлари экономикани интенсивлаш даражасини оширишга доир конкрет таклифларни ҳозирча кам тақдим этаётганлиги, энг муҳим туб проблемаларга етарли эътибор берилмаётганлиги, илмий ечимлар даражаси пастлигича қолаётганлиги тўғрисида яқдил фикр билдирдилар. Фан ва техниканинг янги ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш кўпинча узоқ йилларга чўзиб юборилади. Республикани социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш ҳисса анча кенг миқёсли ва салмоқли бўлиши лозим. Республикадаги областларни иқтисодий ва социал ривожлантириш даражаларини бараварлаштириш зарурлиги муҳим проблемалар каторида уқтириб ўтилди. Қорақалпоғистонда, Жиззах ва Хоразм областларида аҳоли жон бошига тўғри келадиган саноат маҳсулоти республикадаги ўртача даражага қараганда икки баравар кам ишлаб чиқарилмоқда. Планни мукаммаллаштиришда уларда ишлаб чиқарувчи кучларни жадал ривожлантиришни кўзда тутиш лозим.

Ҳар бир министрлик бўйича «Б» группаси маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўстиришнинг илдам суръатларини таъминлаш 1986 йилги планга нисбатан умумий талаб эканлиги қайд этиб ўтилди. 1986—2000 йилларда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва хизмат соҳасини ривожлантириш комплекс программаси меҳнаткашларнинг ўсган талаб-эҳтиёжларини қондиришда бурилиш ясаши лозим.

Шу йилги план ва социалистик мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилиши, беш йилликни муваффақиятли тугаллаш биринчи навбатдаги вазифа сифатида айтиб ўтилди. Бу вазифа бошланғич партия ташкилотларида ўтаётган ҳисобот-сайлов йиғилишларининг диққат марказида турибди. Шу ҳисобот-сайлов йиғилишларида якунлар чиқарилиб, коммунистларнинг эътибори фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, меҳнат самарадорлиги ва сифатини ошириш проблемаларига қаратилмоқда.

Қабул қилинган резолюцияда республика коммунистлари, меҳнаткашлари ўюшқоқлик ва интизомни кучайтира бориб, фидокорона меҳнатлари билан план топшириқларини тўла-тўкис амалга оширишини таъминлайдилар, ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йилида муваффақиятли ишлаш учун пухта замин ҳозирлайдилар, КПСС XXVII съездини, Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездини муносиб кутиб оладилар, деб қатъий ишонч билдирилди.

Йиғилиш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзолликка кандидатлари, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими В. Н. Лаврентьев иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

«Оқ олтин» — Ватанга

Республика областларида пахта тайёрлашнинг борини тўғрисида шу йил 8 октябрга-ча бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён.

Хоразм	1,81	67,78
Фарғона	2,75	67,48
Бухоро	1,58	61,43
Наманган	3,00	61,01
Тошкент	4,03	60,99
Андижон	2,46	54,88
ҚҚАССР	2,14	54,67
Навоий	1,93	51,49
Сурхондарё	2,48	51,34
Самарқанд	2,00	44,40
Сирдарё	4,55	34,73
Жиззах	3,76	34,38
Қашқадарё	1,76	32,57
Республика бўйича:	2,61	52,02

«ЗАНГОРИ КЕМА» ДАРҒАЛАРИ

Шу йил бошида шаҳримиздаги кўпгина илғор меҳнат коллективлари қатори енгил таксомоторлар экспериментал ишлаб чиқариш автомобиль корхонаси (ЭПАП) коллективи ҳам Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги, стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллиги ва мамлакатимиз коммунистларининг XXVII съезди шарафига юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилди. Бу мажбуриятларнинг бир бандида Жиззах область Октябрь районидаги Охунбобоев номли совхоз коллективига йил бўйи оталиқ ёрдами кўрсатиш, пахта йиғим-теримида мавсумида «зангори кема»лар билан 2 минг тонна «оқ олтин» териб бериш қайд этилган. Ҳозир автотранспортчилар ана шу ваъдаларини бажаришяпти.

«Зангори кема»лар штурвалини бошқаришга аҳд қилган шаҳарлик таксичиларнинг хўжаликка етиб келганига йигирма кун бўлди. Улар дастлаб теримга зарур бўлган техника воситаларини ремонтдан чиқариш билан шуғулландилар. 25 пахта териш машинаси, 20 та подбор терадиган машина ва тележка сифатли ремонтдан чиқарилди. 20 сентябрда «зангори кема»лар билан пахта теришга киришилди.

БУГУН

таксичиларнинг совхоз хирмонига «зангори кема» бункерларидан тўккан «оқ олтин»и 250 тоннага етди.

30 кишилик таксичилар бригадасида Н. М. Верченко бошчилик қиляпти. Унинг таксопаркда ишлаётганига ўн йил, пахта йиғим-теримида қатнашаётганига эса тўққиз йил бўлди. Беш йилдан бери ҳашарчилар бригадасига бошчилик қиляпти. Н. М. Верченко коллективда интизомли ва маданиятли такси ҳайдовчи сифатида танилган.

Ҳашарчилар бригадасига йиллик планини стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигига қадар бажаришга улгурган пешқадам ҳайдовчилар киритилган. Улар пахтазорда ҳам кунни-тунга улаб, серқуёш кунларнинг ҳар бир дақиқасидан самарали фойдаланишга интилиб, ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Таксичилардан Миразиз Акбаров, Серёжа Фролов, Анатолий Ребриков, Мақсуд Умаровлар мавсум мобайнида камида 100 тоннадан «оқ олтин» теришни мақсад қилиб тер тўкмоқдалар. Совхоз маъмурияти шаҳарлик ҳашарчиларнинг юксак унум билан меҳнат қилиши, ишдан кейинги бўш вақтлари мазмунли ўтиши учун барча шарт-шароитларни яратиб берган.

Енгил таксомоторлар экспериментал ишлаб чиқариш автотранспорт корхонаси коллективи Охунбобоев номли совхозга тўққиз йилдан бери оталиқ ёрдами кўрсатиб келяпти. Таксичилар пахтазорда меҳнат қилишдан ташқари, совхоз посёлкасини ободонлаштиришда, чўлқуварларга медицина хизмати кўрсатишни яхшилашда, техника воситаларини созлашда сидқидилдан ёрдам беришяпти. Шу йилнинг ўзида ўзжаликка битта пайвандлаш аппарати, автобус, цистерна, учта станок, аккумуляторга дистрланган сув қуядиган прибор етказиб берилди. Республикамизнинг биринчи президенти Йўлдош Охунбобоев туғилган куннинг 100 йиллиги арафасида совға тариқасида совхоз посёлкасига кираверишда темир-бетондан саккиз метр баландликда вивеска қуриб берилди.

Бу йил Охунбобоев номли совхоз далаларида пахтадан мўл ҳосил етиштирилди. Чўлқуварлар КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олишга интилиб, давлат хирмонига 10.000 тонна «оқ олтин» етказиб беришга аҳд қилишган. Бу ҳосилнинг 2000 тоннасини тошкентлик таксичилар «зангори кема»лар билан териб беришади.

А. ЭГАМНАЗАРОВ.

1986—2000 ЙИЛЛАРДА ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛ МОЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА МАИШИЙ ХИЗМАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

КОМПЛЕКС ПРОГРАММАСИ*)

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси иқтисодий стратегияни изчиллик билан амалга ошириб бормоқда. Халқнинг моддий ва маданий турмуш даражасини муттасил юксалтириш, шахсни ҳар томонлама камол топтириш учун шарт-шароитларни яратиш бу стратегиянинг олий мақсадидир. Ҳамма нарса инсон учун, инсон бахт-саодати учун деган программавий қоида тобора чуқур ва конкрет мазмун билан бойимоқда.

Совет кишиларининг маънавий турмуши хилма-хил бўлиб, уларнинг билим олишдаги, маданий ва жисмоний камол топишдаги имкониятлари кенгайди. Уй-жой проблеми муваффақиятли равишда ҳал этилмоқда. Меҳнаткашларнинг реал даромадлари йил сайин ошмоқда, уларнинг харид қобилияти ўсмоқда, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, енгил саноат моллари, маданий-маиший ва рўзғор буюмлари билан таъминлаш яхшиланмоқда, кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ошмоқда.

Халқ фаровонлигини янада юксалтириш партиянинг энг муҳим программавий талаби бўлиб, унинг социал-иқтисодий сиёсати ўзагини ташкил этади. Шу мақсадга реал эришиш ижтимоий ишлаб чиқаришни муттасил ривожлантириш ва такомиллаштириш билан, унинг самарадорлигини ошириш, совет кишиларининг социал ва меҳнат активлиги ўсиши билан таъминланади.

I. 1986—2000 йилларда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва маиший хизматни ривожлантириш Комплекс программасининг асосий қоидалари ва вазифалари

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва маиший хизматни ривожлантиришнинг КПСС XXVI съезди қарорларига мувофиқ ишлаб чиқилган комплекс программаси 1986—1990 йилларда ва 2000 йилгача бўлган даврда СССРни иқтисодий ҳамда социал ривожлантириш асосий йўналишларининг таркибий қисмидир.

Фан-техника тараққиёти негизида мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш соҳасида партия ўртага қўйган вазифага мувофиқ программа халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни бутун чоралар билан кўпайтиришни, уларнинг хилини оширишни ва сифатини яхшилашни ҳамда аҳолига кўрсатилаётган маиший хизмат ривожлантирилишини кўзда тутади, халқ хўжалиги барча тармоқларининг куч-ғайратини озиқ-овқат бўлмаган моллар ишлаб чиқаришни ва реализация қилишни, шунингдек маиший хизматни ривожлантириш соҳасидаги энг яқин ва истиқболдаги вазифаларни ҳал этишга қаратади.

Мол ишлаб чиқаришга ва аҳолига хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган тармоқлар жадал ривожлантирилмоқда. Замонавий техника ва технологияни кенг жорий этиш асосида шу тармоқларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланмоқда. Мол ишлаб чиқаришни ҳамда маиший хизмат соҳасини машина-ускуналар, материаллар ва комплектловчи буюмлар билан таъминлаш яхшиланмоқда.

Газлама, кийим-кечак, пойабзал ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш, аҳолининг барча турдаги мураккаб рўзғор техникаси билан ва хилма-хил хизматлар билан таъминланишини оширишни кўзда тутилмоқда. Бунда совет кишиларида оқилона талаб-эҳтиёжларни шакллантириш, уларда социалистик турмуш ва дам олиш маданиятини тарбиялаш, бўш вақтдан тўлиқ ва унумли фойдаланиш учун шарт-шароитларни вужудга келтириш борасида аниқ мақсадни кўзлаб амалий ишлар олиб борилади.

*) Баёни босилмоқда.

(Давоми иккинчи бетда).

ЛЕНИН МУКОФОТИ ВА СССР ДАВЛАТ МУКОФОТИ КОМИТЕТИДА

8 октябрь куни Москвада СССР Министрлар Совети ҳузуридаги адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофоти комитетининг сессияси очилди. Сессия ишида Москва, Ленинград ва иттифоқдош республикаларнинг таниқли маданият арбоблари қатнашмоқдалар.

Сессияда 1985 йилги СССР Давлат мукофотларини олиш учун конкурсга қўйилган асарлар ва уларнинг жамоатчилик муҳокамаси якунлари кўриб чиқилади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎРТОҚ Қ. САПАЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕЛИОРАЦИЯ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ МИНИСТРИ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Ўртоқ Қаландар Сапаев Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министри қилиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. САЛИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕККУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри,
1985 йил 8 октябрь.

1986—2000 ЙИЛЛАРДА ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛ МОЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА МАИШИЙ ХИЗМАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОМПЛЕКС ПРОГРАММАСИ

(Боши биринчи бетда).

Программада ишлаб чиқарилаётган молларнинг сифати ва хилларини яхшилаш, савдо ва умумий овқатланишда, аҳолига маиший, уй-жой-коммунал, транспорт, туристик хизмат ва бошқа хизмат турларининг илғор формаларини жорий этиш ҳамда уларни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор берилади.

Аҳолининг зарур моллар ва хизматларга бўлган талабэҳтиёжларини қондириш, жойлардаги мавжуд резервлар ва имкониятлардан тўлиқроқ фойдаланиш учун министрликлар, идораларнинг, иттифоқдош республикалар ва халқ депутатлари маҳаллий Советларининг роли ҳамда масъулияти оширилади.

Программа мол ишлаб чиқариш ва реализация қилишни ҳамда маиший хизматни ривожлантириш масалаларини бирбири билан боғлиқ ҳолда ҳал этиб, бошқарув ва план фаолиятини такомиллаштиришни, тегишли тармоқлар оммавий касбдаги малакали ишчи кадрлар ва мутахассислар билан таъминланишини, социалистик мамлакатлар билан ҳамкорлик кенгайтирилиши ва чуқурлаштирилишини кўзда тутади.

Белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳамда маиший хизматни сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш, совет кишиларининг хилма-хил эҳтиёжларини тўлиқроқ қондириш имконини беради.

II. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ривожлантириш, уларнинг сифатини яхшилаш ва хилини кўпайтириш

Программада асосан ишлаб чиқаришни ташкил этишни яхшилаш, қувватлардан самарали фойдаланиш, корхоналарни реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш, технология жараёнларини такомиллаштириш, замонавий хом ашё ва материал турларини қўлланиш, маҳсулотга материал сарфини камайтириш, ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш асосида ишлаб чиқаришни интенсивлаш йўли билан халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни муттасил кўпайтириш зарурлиги таъкидланади.

Енгил саноат, маданий-маиший ва рўзғор моллари ишлаб чиқариш ҳамда уларни истеъмол қилиш структурасини актив равишда, собитқадамлик билан такомиллаштириб бориш, аҳоли талаблари ўзгариб туришига ўз вақтида эътибор бериш, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг меҳнатида, турмушида, дам олишида рўй берган социал-иқтисодий ўзгаришларни тўлиқроқ ҳисобга олиш кўзда тутилган.

Буюмларнинг сифати ва хилини тубдан яхшилаш, уларнинг техник ва эстетик даражасини, фойдаланишдаги пишиқпухталигини ошириш аҳоли учун мол ишлаб чиқариш билан банд бўлган саноат тармоқларининг биринчи навбатдаги вазифасидир.

Озиқ-овқат бўлмаган моллар ишлаб чиқариш ҳажми 1990 йилда 1985 йилга нисбатан камида 1,3 баравар ва 2000 йилда 1,8—1,9 баравар ортади.

Енгил саноатда: 1990 йилда мол ишлаб чиқаришни 1985 йилги 85 миллиард сўмлик (чакана нархларда) ўрнига 103 миллиард сўмликкача ва 2000 йилда 142 миллиард сўмликкача етказиш лозим. Болалар ва кексалар учун кийим-кечак, пойабзал, аралаш газламалар, нотўқима материаллар, трикотаж полотнолар ишлаб чиқариш илдам суръатлар билан ривожлантирилади. Ўн иккинчи беш йилликда сифати яхшиланган янги моллар ишлаб чиқариш таҳминан 1,4 баравар ва 2000 йилда 1,9—2 баравар кўпайтирилади.

1990 йилда газламалар тўқиб чиқариш 14—15 миллиард квадрат метрни ва 2000 йилда 18—19 миллиард квадрат метрни ташкил этади. Табиий хом ашёдан ҳамда янги химиявий тола ва ипларидан фойдаланиб юқори сифатли газламалар тўқиб чиқариш кенгайтирилади. Газламаларнинг бадиий жиҳатдан безатилиши анча яхшиланади. Ип газлама, энгир толасидан тўқилган газламалар, шойи, жун газламалар, шунингдек аралаш газламалар тўқиб чиқаришни кўпайтириш топшириқлари белгиланди. Рўзғорбоп нотўқима материаллар, сунъий мўйна, полга ётқизиладиган қопламалар ишлаб чиқариш бирмунча тез суръатлар билан ривожлантирилади ва уларнинг хиллари кўпайтирилади.

1990 йилда трикотаж буюмлар ишлаб чиқаришни 2,2—2,3 миллиард донага ва 2000 йилда 3,3—3,4 миллиард донага, пайпоқлар ишлаб чиқариш эса 1990 йилда 2,3 миллиард жуфтга ва 2000 йилда 2,5 миллиард жуфтга етказиш кўзда тутилади. Енгиллаштирилган структурали полотнолардан, янги хил тола ва ипларидан трикотаж буюмлар, совуқ пайтда қийиш ҳамда дам олиш ва туризм учун мўлжалланган ҳамда табиий дағал жундан фойдаланиб тайёрланган устки трикотаж ишлаб чиқариш анча кўпайтирилади. Бўёқлар ва оҳорлашнинг илғор турларидан фойдаланиш ҳисобига трикотаж буюмларнинг ранг-баранглиги ва гуллари яхшиланади.

1990 йилда 25—26 миллиард сўмлик ва 2000 йилда 34—35 миллиард сўмлик чакана нархларда кийим-кечак ишлаб чиқариш таъминланади. Кийим-кечакларнинг моделлари ва конструкциялари анча яхшиланади, болалар, ёшлар ва катта ёшдаги кишилар учун кийимларнинг хиллари ошириладн. Ўн иккинчи беш йилликда енгиллаштирилган иссиқ астарли мавсумларарО кийим-кечак, модали ва қулай буюмлар ҳамда комплектлар, шунингдек аввало чорвадорлар, механизаторлар, мелиораторлар ва бошқа қишлоқ хўжалик ходимлари учун коржома ва пойабзал ишлаб чиқариш кўпаяди ва уларнинг хили оширилади.

1990 йилда пойабзал ишлаб чиқариш 900 миллион жуфтга ва 2000 йилда 1015 миллион жуфтга етказилади. Табиий ва сунъий чармнинг янги турларидан, юксак гигиеник хоссаларга эга бўлган тўқимачилик материалларидан пойабзал ишлаб чиқариш кенгайтирилади. Ўн иккинчи беш йилликда спорт пойабзали, моделли пойабзал, болалар пойабзали, шунингдек резина пойабзал ва пиймa ишлаб чиқаришни зарур даражада ўстириш кўзда тутилган.

Белгиланган ишлаб чиқариш ҳажмлари енгил саноат буюмларини истеъмол қилишни анча ошириш имконини беради.

Маданий-маиший ва рўзғор моллари ишлаб чиқаришни илдам суръатлар билан ошириш кўзда тутилади. Уй-рўзғор ишларида меҳнатни енгиллаштирадиган ва вақтни тежайдиган рўзғор техникаси ишлаб чиқаришни кўпайтиришга алоҳида эътибор берилган. Шу мақсадда буюмларнинг айрим турларини ишлаб чиқаришдан аҳолининг турли эҳтиёжларини қондириш учун машина ва приборларнинг комплектларини ишлаб чиқаришга ўтилади. 1990 йилда маданий-маиший ва рўзғор моллари ишлаб чиқаришни 77 миллиард сўмликка ва 2000 йилда 113—119 миллиард сўмликка етказиш, 1985 йилга нисбатан 2—2,1 баравар кўпайтириш мўлжалланмоқда.

Маданий-маиший ва рўзғор молларининг сифати ҳамда пишиқлиги оширилади. Маҳсулот тайёрловчи заводлар истеъмолчиларнинг манфаатларини кўзлаб ишлаб чиқарилаётган буюмларнинг бенуқсон ишлаши гарантиялари системасини кучайтиришлари зарур. Рўзғор техникасининг эҳтиёт қисмларга бўлган эҳтиёжлари тўла-тўкис қондирилади.

1990 йилда радиоприёмник қурилмалар ишлаб чиқариш 11,2—12 миллион донани ва 2000 йилда 14,3—15,3 миллион донани, магнитофонлар 5,8—6 миллион ва 7,8—8 миллион донани, телевизорлар—10,6—11 миллион ва 12,5—13 миллион донани, шу жумладан рангли тасвирдаги телевизорлар — 6,7—7 ва 9,6—10 миллион донани ташкил этади.

Микроэлектрониканинг энг янги ютуқларидан, микропроцессор воситаларидан фойдаланиш асосида рўзғорбоп радиоэлектрон аппаратларни такомиллаштириш, кўчма ва ихчам приборлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш тадбирлари белгиланди. 1990 йилда кассетали видеомагнитофонлар ишлаб чиқариш 60 минг донага ва 2000 йилда 120 минг донага етказилади. Сифат кўрсаткичлари яхшиланган магнит лента-ларни бозорга етказиб бериш анча кўпайтирилади.

1990 йилда холодильник ва музхоналар ишлаб чиқариш кўпайиб 6,6—7 миллион донага ва 2000 йилда 8—8,8 миллион донага етказилади. Ўн иккинчи беш йиллик охирига бориб икки камерали холодильниклар ишлаб чиқариш 4,5 баравар ва музхоналар ишлаб чиқариш 3 баравар ортади. Рўзғор холодильникларининг энергия истеъмол қилиш салмоғи мавжуд моделларга нисбатан 1,3—1,5 баравар ва материал сарфи 1,2 баравар камайтирилади.

1990 йилда рўзғорбоп тикув машиналари ишлаб чиқаришни 2,5 миллионтага ва 2000 йилда 3,5 миллионтага етказиш мўлжалланмоқда. Рўзғорбоп тикув ва тўқув машиналарининг хиллари оширилади. 1990 йилда кўп хил ишларни бажарадиган тикув машиналари ишлаб чиқариш 1,5 баравар кўпайтирилади.

Кир ювиш машиналарини ишлаб чиқариш 1990 йилда 6—6,1 миллион донагача ва 2000 йилда 6,4—7 миллион донагача ортади. Кўп программали автомат, янги ярим автомат ва иҳчам кир ювиш машиналари, қуритиш ва дазмоллаш аппаратлари ишлаб чиқариш кўпаяди.

Аҳолига сотиш учун ишлаб чиқариладиган транспорт воситаларининг техникавий даражасини ошириш кўзда тутилади. Ўн иккинчи беш йилликда техникавий параметрлари яхшиланган янги моделлардаги енгил автомобиллар ишлаб чиқаришга ўтилади. Енгил автомобиллардан фойдаланишни енгиллаштирувчи приборлар ва қурилмалар ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Мотоцикл ва велосипедларнинг турлари кўпайтирилади ва уларни ишлатиш сифати яхшиланади. Енгил қотишмалар ва конструкцион пластмассалар қўлланиш ҳисобига велосипедларнинг вазни камайтирилади. Велотренажерлар ишлаб чиқариш кўпайтирилади.

1990 йилда кварц қўл соатлари ишлаб чиқариш икки баравар оширилади. Ҳаваскорлар учун мўлжалланган фотокинотехниканинг янги моделлари — кинокамералар, фотоаппаратлар, увеличителлар, диапроекторлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Фотокино асбоблари, рангли фотокиноматериалларнинг хиллари кўпайтирилади, сифати яхшиланади ва уларни ишлаб чиқариш оширилади.

Пилесосларнинг конструкциялари такомиллаштирилиб, уларнинг ҳажми кичиклаштирилади, энергия истеъмол қилиши камайтирилади. 1990 йилда пилесослар ишлаб чиқариш 4,9—5 миллион донага ва 2000 йилда 5,6—6 миллион донага етказилади. Идиш ювадиган автомат машиналарнинг, аҳлатни майдалайдиган, картошка тозалайдиган, сабзавот тўғрайдиган машиналар ҳамда бошқа электр асбобларнинг янги турларини ишлаб чиқариш ҳисобига ошхоналар учун мўлжалланган машина ва приборларнинг хиллари кўпайтирилади. 1990 йилда универсал ошхона машиналари ишлаб чиқариш 2,3 баравар оширилади.

1990 йилда мебель ишлаб чиқариш 10—10,5 миллиард сўмликка ва 2000 йилда 15—16 миллиард сўмликка (чакана нархларда) етказилади. Ошхонага, болаларга мўлжалланган ҳамда бошқа мебель йиғмалари ва гарнитурлар (шу жумладан ёш болалар учун) ишлаб чиқариш кенгайтирилади.

Илғор технологияни жорий этиш, декоратив-бадиий жиҳатлари яхшиланган янги қоплаш ва пардозлаш материалларини яратиш ҳамда уларни қўлланиш асосида мебелнинг харидоргирлик хусусиятлари ва эстетик даражасини ошириш-га, квартираларнинг ҳар хил тузилишини ҳисобга олиб, мебель хилларини такомиллаштиришга ва унинг қулайлигини оширишга алоҳида эътибор берилади.

Ҳар хил турдаги идишлар, электр иситиш приборлари, ўйинчоқлар, рўзғор химияси моллари ҳамда бошқа бир қанча маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан топшириқлар белгиланди. Уларнинг хилларини янада кўпайтириш ва сифатини яхшилаш кўзда тутилади.

Спорт ва туристик ашёлар ишлаб чиқариш жадал суръатлар билан ривожлантирилади. Ўн иккинчи беш йилликда аҳолининг шу молларга бўлган эҳтиёжларини асосан қондиришни таъминлаш кўзда тутилди. Шахсий гигиена буюмларининг турлари кенгайтирилади ва сифати оширилади. Шу группага оид янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

Босма маҳсулот реализация қилиш ҳажми 1990 йилда камида 23 процент ва 2000 йилда 1,7 баравар кўпайтирилади. Болалар, ўсмирлар адабиётига, бадиий адабиётга, справочник нашрларига бўлган талаб тўлиқроқ қондирилади.

Техникавий ва бадиий ижодкорлик машғулотлари учун зарур бўлган турли-туман материаллар, саноат ишлаб чиқаришининг махсус тайёрланган яроқли чиқитларини сотиш кўпайтирилади.

Маданий-маиший ва рўзғор буюмлари ишлаб чиқаришнинг программада кўзда тутилган ҳажмлари аҳолининг моллар билан таъминланишини анча ошириш имконини беради.

Коллектив боғдорчилик ва полизчиликни ривожлантиришнинг муҳим социал-иқтисодий аҳамиятини эътиборга олиб, боғ участкаларини белгиланган даражада кўпайтиришни таъминлаш учун моддий-техникавий ресурслар ажратиш кўзда тутилади.

Ўн иккинчи беш йилликда аҳолининг бинокорлик материалларига, санитария-техника асбоб-ускуналарига, боғларда қуриладиган уйчаларга, боғ-полиз асбоблари ва анжомларига бўлган талаби тўла-тўкис қондирилади. Шахсий томорқа хўжаликларидаги ва боғ участкалардаги меҳнатни механизациялаш учун зарур машиналар — деҳқончиликдаги кичик механизация воситалари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган турли мослама комплектлари бўлган универсал машиналар, ўроқ машиналари, ер ҳайдаш учун кераклн қуроллар мажмуаси билан таъминланган ихчам тракторлар, ем тайёрланадиган қурилмалар ва бошқа машиналарнинг турлари кўпайтирилади.

Регионнинг хусусиятларини эътиборга олиб, **маҳаллий сайоатни** янада ривожлантириш ва унинг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш тадбирларини амалга ошириш белланди. Маҳаллий саноат корхоналарида халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми 1990 йилда камида 1,3 баравар ва 2000 йилда 1,8 баравар кўпайтирилади. Маданий-маиший ва рўзғор буюмлари, шу жумладан, боғ-полиз анжомлари, сопол ва керамика идишлари, совға буюмлари, болалар ўйинчоқлари, музика асбоблари, шунингдек халқ бадиий ҳунармандчилиги буюмлари, миллий кийимлар, маҳаллий бинокорлик материаллари ва турли энг оддий моллар ишлаб чиқариш кўпайтирилади. Шу мақсадда маҳаллий хом ашёдан ҳамда саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг яроқли чиқитларидан максимал фойдаланилади, улардан маҳсулот ишлаб чиқариш 1990 йилда 1,4 баравар кўпайтирилади. Касаначилик меҳнат формаларидан кенгроқ фойдаланилади ва бу формалар такомиллаштирилади, филиаллари, участкалари ва қабул пунктлари тармоғига эга бўлган ихтисослаштирилган корхоналар барпо этилади.

Матлубот кооперацияси системасида озиқ-овқат бўлмаган моллар ишлаб чиқариш ривожлантирилиб, бунинг учун мавсумлар ўртасидаги даврда колхозчилар ва совхозларнинг ишчилари, шунингдек халқ ҳунармандчилиги усталари ва пенсионерлар жалб этилади. Колхоз ва совхозларнинг ёрдамчи хўжаликларида халқ истеъмол қиладиган энг оддий моллар ишлаб чиқариш кенгайтирилади.

III. Савдо ва умумий овқатланишни ривожлантириш

Аҳолига савдо хизматини тубдан яхшилаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг турларини белгилашга ва сифатини оширишга савдонинг таъсирини кучайтириш, хизмат қилишнинг мол сотиб олиш вақтини анча қисқартирадиган ва аҳоли учун қулай илғор шаклларини актив жорий этиш таъминланади.

Ўн иккинчи беш йилликнинг охиригача магазинларнинг савдо майдони билан таъминланиши шаҳарларда ҳар минг аҳоли ҳисобига 200 квадрат метрга ва қишлоқ жойларда 210 квадрат метрга 2000 йилда эса шаҳарларда 230 ва қишлоқларда 250 квадрат метрга етказилади.

Чакана савдо корхоналарини оқилона жойлаштириш ва ихтисослаштириш амалга оширилади, уларнинг иш режими аҳолига энг кўп қулайлик яратишни эътиборга олиб яхшиланади. Ўн иккинчи беш йилликнинг охиригача бориб маданий-маиший ва рўзғор молларининг техникавий мураккаб турлари, газламалар, кийим-кечак ва пойабзал сотиш асосан ихтисослаштирилган магазинларга, универмагларга ва савдо марказларига ўтказилади. Енгоч ва бинокорлик материаллари савдосини ташкил этиш яхшиланади.

Аҳолига хизмат қилиш маданияти оширилади. Идиш — ускуналарни кенг қўлланиш, олдиндан буюртма олиш, каталоглар ва нусхалар асосида савдо қилиш йўли билан ўз-ўзига хизмат қилиш ривожлантирилади ва такомиллаштирилади. Посилка усулидаги савдо, мавсумий ярмаркалар ва бозорлар ташкил этиш яхшиланади.

Магазинларда харидорларга қилинадиган хизматлар доираси кенгайтирилади. Аҳолининг сотиб олинган катта ҳажмдаги буюмларини элтиб беришга ва уйида техникавий мураккаб буюмларни ўрнатишга бўлган эҳтиёжлари қондирилади. Ҳамма жойдаги савдо-сотиқда ахборот-маълумотлар ва маслаҳат бериш хизматлари йўлга қўйилади. Универмагларда ва ихтисослаштирилган магазинларда газламаларни бичиб бериш ҳамда кийимларни лойиқ ҳолга келтириш таъминланади. Молларни кредитга сотиш, озиқ-овқат бўлмаган молларнинг комиссион савдоси ривожлантирилади.

Қишлоқ аҳолисига савдо хизмати яхшиланади. Қишлоқ аҳолиси учун қулай бўлган мол сотиш формалари — аввалдан қабул қилинган буюртмаларга мувофиқ мол келтириб бериш, бевосита дала шийпонлари, бригадалар ва фермаларда кўчма савдони уюштириш кенгайтирилади. Чакана савдо тармоғи моллар билан узлуксиз таъминланиши, уларнинг мамлакат районлари бўйлаб оқилона жойлаштирилиши учун улгуржи савдо ташкилотларининг фаолиятини тубдан яхшилаш ва масъулиятини ошириш тадбирлари кўрилади. Товар запаслари асосан улгуржи савдо системасига тўпланиши таъминланади.

Савдо ташкилотлари ва саноат корхоналари аҳолининг талабини ўрганиш ва эҳтиёжини шакллантириш соҳасидаги фаолияти такомиллаштирилади, оқилона истеъмол асослари тарғиб қилинади. Молларни реклама қилиш яхшиланади. Шу мақсадда фирма магазинлардан, савдо—кўргазмалардан, харидорларнинг конференцияларидан, шунингдек матбуот, радио, телевиденіедан кенг фойдаланилади.

Совет кишиларининг соғлигини мустаҳкамлаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, озиқ-овқат ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш, рўзғорда овқат тайёрлаш вақтини қисқартириш билан, бўш вақтни маданий ўтказиш учун катта имкониятлар яратиш билан боғлиқ бўлган социал-иқтисодий вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш шартларидан бири бўлмиш **умумий овқатланишни** янада ривожлантириш тадбирлари белгиланди.

Аҳолининг хилма-хил ва оқилона овқатланишга бўлган эҳтиёжларини тўла-тўкис қондириш, маҳсулот сифатини ва хизмат маданиятини ошириш, тайёрлиги юқори даражада бўлган чала тайёр масаллиқлар, кулинария ва кондитер маҳсулотларининг турлари янада кўпайтирилади, сифати оширилади, уларни иш, ўқиш ва истиқомат жойларида сотиш анча кўпайтирилади.

Ўн иккинчи беш йилликнинг охирига бориб меҳнаткашларнинг иш жойидаги умумий овқатланишга бўлган эҳтиёжлари тўла-тўкис қондирилади. Ишчиларнинг, студентлар ва мактаб ўқувчиларининг ошхоналари меҳнат ва ўқиш характери ҳамда шароитлари эътиборга олиб тузилган овқатланиш рационига мувофиқ овқатлар тайёрлашга ўтказилиши лозим. Узлуксиз ишлаб чиқаришларда, шунингдек чорвачилик фермалари ва дала шийпонларида иссиқ овқатни иш жойига элтиб бериш кенгайтирилади, кечки ва тунги сменаларда ишловчилар иссиқ овқат билан таъминланади. Парҳез таом билан таъминлашни ривожлантириш жадаллаштирилади.

1986—2000 йилларда ҳамма фойдалана оладиган умумий овқатланиш корхоналарининг тармоғини кенгайтириш топшириқлари белгиланди. Айниқса оммавий дам олинадиган ва туризм жойларида, томошахоналар ва спорт иншоотлари ҳузурида тез хизмат қиладиган ихтисослаштирилган корхоналар, чойхоналар, закускахоналар, кафелар ва спиртсиз ичимликлар сотадиган барлар тармоғи жадал ривожлантирилади.

Умумий овқатланиш корхоналарининг аҳолига қиладиган қўшимча хизматлари, шунингдек оилавий дам олиш эҳтиёжларини ҳисобга оладиган хизмат формалари (таомларни уйга бериш ва элтиб бериш, буюртмачининг маҳсулотларидан таом тайёрлаш, оилавий тантаналар, болалар ва ёшлар байрамларида хизмат қилиш) янада ривожлантирилади. Пассажир транспортининг ҳамма турларида, меҳмонхоналарда ва ётоқхоналарда умумий овқатланиш корхоналарининг хизмат қилиши ва маҳсулот сифатини яхшилаш кўзда тутилди.

IV. Хизмат соҳасини ривожлантириш

Келгуси даврда совет кишиларининг турмуш шароитларини яхшилашда, уларнинг маънавий ва жисмоний камол топишида, бўш вақтдан янада оқилона фойдаланишда хизматларнинг роли оширилади.

Аҳолига ижтимоий истеъмол фондларидан бериладиган тўловлар ва имтиёзлар янада ривожлантирилади. Шу фондларнинг маблағлари соғлиқни сақлашга, бола тарбиясига, маорифга, социал таъминотга, маданиятни ривожлантиришга ва аҳолининг бошқа эҳтиёжларига сарфланади. Бепул хизматлар билан бир қаторда меҳнаткашларнинг ошиб бораётган эҳтиёжлари ва қизиқишларини эътиборга олиб ҳақ тўланадиган хизматларнинг кенг тармоқли ва самарали ишлаш системасини вужудга келтириш белгиланди. Бу система:

хизматларнинг сифатини яхшилайди, хизмат маданиятини оширади ва унинг илғор формаларини жорий қилади, янги турдаги хизматларни ташкил этади;

катта ва кичик шаҳарлардаги, мамлакатнинг турли регионларида яшовчи аҳолининг хизмат билан таъминланишидаги тафовутларни бартараф этади, қишлоқ жойлардаги хизмат соҳасини илдамроқ ривожлантиради;

хизмат қилувчи корхона ва ташкилотлар тармоғини оқилона жойлаштиради, уларни одамларнинг меҳнат фаолияти, ўқиши ва истиқомат қилиш жойига яқинлаштиради, шу корхона ва ташкилотларнинг аҳоли учун қулай вақтда ишлашини таъминлайди;

хизматларнинг асосий турларидан аҳолининг барча группалари, турли таъминот даражасига эга бўлган гражданлар, шунингдек жамиятнинг ғамхўрлиги ва ёрдамига айниқса муҳтож категориядаги аҳоли (уруш ва меҳнат инвалидлари, кекса ёшдаги кишилар, кўп болали оилалар ва шу кабилар) баҳраманд бўла олишини таъминлайди;

аҳолининг ҳақ тўланадиган хизматлар асосий турларига бўлган талабини ўрганиш ва эҳтиёжини шакллантириш методларини такомиллаштиради.

Аҳолига хизмат қилиш билан бевосита банд бўлган халқ хўжалиги тармоқларинҳ жадал ривожлантириш белгиланди. Барча министрликлар ва идораларнинг корхоналари ҳамда ташкилотлари, ўз ихтисосидан ва асосий фаолият характеридан қатъи назар, улар аҳолига хизмат қилишга жалб этилади.

Аҳолига қилинадиган, ҳақ тўланадиган хизмат ҳажми 1986—2000 йилларда 2,1—2,3 баравар, шу жумладан ўн иккинчи беш йилликда 1,3—1,4 баравар кўпайтирилади.

Маиший хизматлар. Маиший хизматларни ривожлантириш аҳолининг ҳар хил хизмат турларига бўлган эҳтиёжларини янада тўла-тўкис қондиришга, рўзғордаги меҳнат сарфини қисқартиришга ва енгиллаштиришга, совет кишиларининг бўш вақтини кўпайтиришга қаратилади. Маиший хизмат ҳажми 1990 йилда камида 40 процент ва 2000 йилда 2,4—2,5 баравар кўпайтирилади.

1990 йилда аҳолининг радиоэлектрон аппаратлари, рўзғор машиналари ва асбоблари, мебель ҳамда бошқа рўзғор буюмларини ремонт қилиш ва техникавий қараш соҳасидаги хизматларга бўлган эҳтиёжларини тўла-тўкис қондириш белгиланди. Рўзғор техникасини абонемент усулида ва тез ремонт қилиш актив жорий этилади. Шунингдек, носоз рўзғор асбоблари ишларидан ремонт қилиб қуйилган асбобларга алмаштириб бериладиган бўлади. Кир ювиш ва химиявий тозалаш муассасалари, ҳаммомлар, фотоателье ва прокат ателъелари хизмати, шунингдек турмушда ўнғайлик ва қулайлик яратадиган хизматлар жадал ривожлантирилади.

Прокат ательесининг хизматлари кенгайтирилади, улар асосан аҳоли яшайдиган микрорайонларда, ётоқхоналарда, оммавий дам олиш зоналарида, йирик корхоналарда жойлаштирилади. Ихтисослаштирилган «ўзинг яса», «моҳир қўллар» пунктлари, шунингдек спорт ва боғ-полиз анжомларини, ёзги уйчаларни ва чорбоғларни ижарага берадиган пунктлар тармоғи ривожлантирилади. Йирик темир йўл узелларида ишлаб турган маиший хизмат корхоналари кенгайтирилади ва янгилари қурилади.

Ҳаваскорларнинг фото-кино материалларини ишлаб берадиган марказлар қуриш ва ишга тушириш таъминланади. Шу хизматларга бўлган буюртмаларнинг асосий қисмини бажариш мана шу муассасаларга марказлаштирилади.

Аҳолининг буюртмаларига мувофиқ уй-жой ва бошқа иморатларни ремонт қилиш ҳамда қуриб бериш соҳасидаги хизматлар ҳажми 1990 йилда камида 3 баравар кўпайтирилади. Аҳолининг квартираларини яхшироқ пардозлаш, уларнинг деворига қўшиб қурилган мебель ва ошхона мебели билан жиҳозланишига, қишлоқ аҳолиси, боғдорчилик уюшмалари учун қурилиш хизматларининг турлари ва ҳажмларини кенгайтириш соҳасидаги буюртмаларини бажаришга алоҳида эътибор берилади.

Техникавий хизмат станцияларининг тармоғи анча кенгайтирилади. Бу эса ўн иккинчи беш йиллкнинг охирига бориб аҳолининг автосервисга бўлган эҳтиёжини асосан қондириш имконини беради. Автомобилга ёнилғи қуйиш станциялари ҳузурида автомобилларга техникавий қаров, уларни майда ремонт қиладиган ва ювадиган постлар барпо этилади. Хизматларнинг шу турлари кооператив гаражларда ва очиқ стоянкаларда ривожлантирилади, шундай хизматлар қилиш учун кўчма устахоналардан кенг фойдаланилади. 1990 йилда енгил автомобилларнинг эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш гражданларга қарашли транспорт воситаларининг техникавий қарови ва ремонти билан шуғулланувчи корхоналарнинг эҳтиёжларини, шунингдек чакана савдонинг талабларини тўла-тўкис қондиради.

Пассажир транспортининг хизматлари. Ҳамма турдаги транспортни янада ривожлантириш ва яхшилаш асосида пассажир ташишга бўлган эҳтиёжларни тўлиқроқ қондириш кўзда тутилади. Шу билан бирга аҳолининг янги районлар ўзлаштирилиши, ўқиш, дам олиш, туризм билан боғлиқ бўлган кўчиб юриши ошиб бораётганлиги, шунингдек ташиш қулайлигига, пассажирларнинг йўлда бўлиш вақтини қисқартиришга нисбатан ўсиб бораётган талаблар эътиборга олинади.

Айниқса мавсумий зўриқиш ва тиғизлик даврларида пассажирларни темир йўл транспортида, шаҳар атрофи қатновида, шунингдек мамлакат Европа қисмининг жанубий районларини марказий ва шимоли-ғарбий районлари билан туташтирувчи магистралларда пассажирлар ташиш яхшироқ ташкил этилади. Фирма поездлари сони кўпайтирилади.

Пассажирларни ҳаво транспортида ташиш илдамроқ ривожлантирилади. Оралиқда қўнмай училадиган рейслар, шунингдек мамлакатнинг саноат районларини, айниқса Сибирва Узоқ Шарқ районларини асосий курортлар билан боғлайдиган бевосита рейслар миқдори кўпайтирилади. Пассажир самолётлари парки янгиланади, кўпроқ пассажир сиғадиган ва қулайлик даражаси оширилган янги ҳаво лайнерларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

Денгиз ва дарё транспортининг пассажирлар ташишдаги роли ортади, у сув оти қанотлари ва ҳаво ёстиқчали тежамли тезюрар кемалар, шунингдек туристларга мўлжалланган қулай кемалар билан тўлдирилади. Аввало шимолий ва шарқий районларда янги маршрутлар ташкил этилиши, шу турдаги транспортнинг имкониятларидан аҳолининг туризм ва дам олиш эҳтиёжларини қондириш учун максимал равишда фойдаланиш лозим. Кемаларда, денгиз ва дарё вокзалларида қилинадиган ёрдамчи хизматлар доираси кенгайтирилади.

Шаҳар атрофи ва шаҳарлараро йўлларда, қишлоқ жойларда автобус транспортини активроқ ривожлантириш мўлжалланмоқда. Шаҳар транспортининг маршрут линиялари тармоғи кенгайтирилади. Электр транспортининг биринчи галда ривожлантирилиши таъминланади, тезюрар трамвай кенг жорий қилинади. Йирик шаҳарларда метрополитенлар қурилиши давом эттирилади.

Кечаю кундуз иш режимидаги корхоналарга хизмат қилиш учун, шунингдек меҳмонхоналар, темир йўл, автомобиль, денгиз ва дарё вокзаллари, аэропортлар ўртасидаги қатновни ташкил этиш учун шаҳар пассажир транспортининг тунги маршрутлари миқдори кўпайтирилади. Ҳамма турдаги шаҳар транспортининг иш тезлиги оширилади, тиғиз соатлардаги ҳаракат интерваллари қисқартирилади. Таксомотор хўжалиги ривожлантирилади, маршрут такси линиялари тармоғи кенгайтирилади.

Пассажирларга хизмат қилиш сифати ва маданияти оширилади. Янги темир йўл, денгиз, дарё, авто ва аэро вокзаллар қурилади ҳамда ишлаб турганлари реконструкция қилинади. Аэропортлардаги, автомобиль ва темир йўл узел станцияларидаги, порт шаҳарларидаги меҳмонхоналар қурилиши кенгайтирилади. Аввало йирик темир йўл узелларида — Москва, Ленинград, Киев, Куйбишев, Свердловск, Харьков Минскда ва бошқа бир қанча катта шаҳарларда билет кассаларидаги операцияларни автоматлаштиришни таъминлаш учун базавий ҳисоблаш комплекслари барпо этилади.

Алоқа хизматлари. 1990 йилда аҳолига алоқа хизматлари ҳажми 30—35 процент ва 2000 йилда 2,7—3 баравар кўпайтирилади. Телефон алоқаси хизматлари илдам суръатлар билан ривожлантирилади. 2000 йилга борганда шаҳар аҳолисини квартира телефонлари билан таъминлаш асосан тугалланади, қишлоқ жойлардаги телефонлаштириш даражаси анча оширилади. Янги ишга тушрилаётган телефонларнинг камида 75 проценти аҳолининг фойдаланиши учун берилади.

Аҳолининг автомат телефонларга бўлган эҳтиёжлари қондирилиб, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда, колхозларда, шунингдек курорт районларида, дам олиш зоналарида, вокзалларда ва аҳоли оммавий равишда борадиган бошқа жойларда автомат телефонларнинг тармоғи кенгайтирилади. Шаҳарлараро транспортнинг ҳамма турларидаги пассажирларни алоқа хизматлари билан таъминлаш яхшиланади.

Почта ва телеграф алоқаси хизматларининг сифати оширилади, хизматларнинг янги турлари активроқ жорий қилинади. Ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш корхоналарида, шунингдек, ишлаб чиқаришдаги

1986—2000 ЙИЛЛАРДА ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛ МОЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА МАИШИЙ ХИЗМАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОМПЛЕКС ПРОГРАММАСИ

(Боши иккинчи бетда).

Маданият ва истироҳат боғларининг фаолиятини янада яхшилаш таъминланади. Бир қанча шаҳарлардаги маданият ва истироҳат боғлари ҳузурида тажриба-намуна аттракцион комплекслари ва бўш вақтни ўтказишнинг экспериментал марказлари вужудга келтирилади.

Туризм-экскурсия хизматлари. Совет кишиларини ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, уларнинг соғлигини мустаҳкамлашда ва маданий савиясини оширишда муҳим роль ўйнайдиган туризм-экскурсия хизматлари янада ривожлантирилишини таъминлаш вазифаси қўйилди. Туризм-экскурсия хизматларининг ҳажми 1990 йилда 48 процент ва 2000 йилда 3 баравар кўпайтирилади.

Туризм-экскурсия хизматларининг сифати оширилади, формалари ва турлари кенгайтирилади. Туристик муассасаларда меҳнаткашларга комплекс хизмат қилиш, шу жумладан уларни жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт, экскурсия ва бошқа хизматлар яхшиланади. Ота-оналарнинг болалари билан биргаликдаги, шунингдек ёшларнинг, автохаваскорларнинг дам олиши ва походга чиқиши учун зарур шароитлар яратилади. Туризм хўжаликларининг иш мавсумини узайтириш ҳисобига, имкони бўлган жойларда эса уларни йил бўйи ишлатиш ҳисобига шу хўжаликлардан оқилона фойдаланиш таъминланади.

ВЦСПСнинг Марказий туризм ва экскурсиялар кенгаши системасида 170 минг ўринли туризм комплекслари, меҳмонхоналар, базалар ва кемпинглар, ВЛКСМ Марказий Комитетининг халқаро «Спутник» ёшлар туризми бюроси системасида 15,5 минг ўринли ёшлар марказлари, лагерлар, меҳмонхоналар қурилади. Туризм-экскурсия ташкилотларининг туризм ва спорт анжомлари ҳамда ашёларига, велосипедларга, қайиқларга, автомобиль прицепларига бўлган эҳтиёжлари тўла-тўкис қондирилади, уларни ижарага бериш кенгайтирилади.

Туризм мақсадлари учун темир йўл поездлари, автобуслар, денгиз ва дарё кемаларини, коммунал ва идоравий меҳмонхоналарни, ётоқхоналарни, умумий овқатланиш корхоналарини, спорт ва клуб муассасаларини ижарага олиш кенг одат тусига киритилади. Туристларга қўшимча хизматлар тарзида қурилади. Соғломлаштириш муассасаларини қуриш ва реконструкция қилишда ота-оналарнинг фарзандлари билан бирга дам олиш эҳтиёжи ошиб бораётганлиги эътиборга олинади.

Сибирда, Узоқ Шарқда, Грузия ССР, Озарбайжон ССРда, Ўрта Осиё республикаларида, Қозоғистон ССРда санаторий-курорт ва соғломлаштириш муассасаларини ривожлантириш жадаллаштирилиб, мамлакатнинг шу районларидаги табиий шифобахш омиллардан тўла-тўкис фойдаланиш назарда тутилади.

Хўжалик ҳисобидаги даволаш-профилактика муассасаларининг хизматлари. Бепул медицина хизматини ҳар томонлама ривожлантириш билан бирга аҳолининг талаб-эҳтиёжларини эътиборга олиб хўжалик ҳисобидаги даволаш-профилактика муассасаларининг хизмати кенгайтирилади. Хўжалик ҳисобидаги консультация-диагностика, стоматология, офтальмология муассасалари ва бошқа даволаш муассасаларининг тармоғи кенгайтирилади. Консультация ва диагностика ишига малакали медицина кадрларини жалб қилиш учун зарур шароитлар яратилади.

Ҳуқуқ характеридаги хизматлар. Аҳолига хизмат қиладиган юридик консультациялар ва нотариал конторалар ишининг савияси ва сифати оширилади. Юридик консультациялар ва нотариал конторалларнинг тармоғи кенгайтирилади, уларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланади, улар зарур ташкилий-техника воситалари билан ускуналанади. Аҳолига бевосита корхоналарда, қурилишларда, колхоз ва совхозларда ҳуқуқ характеридаги хизматлар қилиш практикасини янада кенгайтириш учун шароит яратиш чоралари кўрилади.

Давлат страхованиеси муассасалари ва омонат кассаларнинг хизматларини янада ривожлантириш таъминланади. Шахсий ва мулкий страхованиенинг амалдаги турлари такомиллаштирилади ва гражданларнинг талаб-эҳтиёжларига мос келадиган янги турлари жорий қилинади. Омонат кассалар системасида омонатчиларнинг савдо, маиший хизмат, коммунал корхоналари ва бошқа корхоналар билан ҳисоб-китоб операцияларини янада кенгайтириш кўзда тутилади, пулсиз ҳисоб-китоб қилишнинг қўшимча формалари жорий этилади. Пул маблағини жўнатиш, давлат заёмларининг облигацияларини, ҳужжатларни ва қимматбаҳо буюмларни асраш хизматлари ривожлантирилади. Омонат кассаларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланади, операцияларни сифатли бажариш ва аҳолига хизмат маданиятини ошириш учун зарур шарт-шароит яратилади.

Матлубот кооперацияси корхоналари ва ташкилотларининг, совхозлар ва колхозларнинг қиладиган хизматлари. Матлубот кооперацияси корхоналари ва ташкилотларининг аҳолига, аввало қишлоқ аҳолисига қилаётган хизматлари такомиллаштирилади ва бу хизматларнинг янги турлари ривожлантирилади. Шу хизматларнинг ҳажми 1990 йилда 70 процент ва 2000 йилда 2,5 баравар кўпайтирилади.

Совхозлар ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналарининг гражданлар буюртмаларига мувофиқ томорқа участкаларидаги ерни ҳайдаб бериш, боғларни дорилаш, асбобускуна ва боғ-полиз анжомларини ремонт қилиш ва техникавий қараш, етиштирилган ҳосилни сотиб бериш, транспорт ишлари ва бошқа ишларни бажариш сингари хизматларни ҳақ тўлаш эвазига адо этиш практикаси кенгайтирилади. Якка тартибдаги уй-жой биноларини қуриш ва ремонт қилишда, уларни ободонлаштиришда, маҳаллий хом ашёдан ёқилғи ва ишлаб чиқариш чиқитларини тайёрлаш ҳамда элтиб беришда ёрдам берилади. Шу хизматларнинг ҳажми 1990 йилда 75 процент ва 2000 йилда 2,6 баравар кўпайтирилади.

Колхозларга меҳнатчиларнинг шахсий ёрдамчи хўжалигини ривожлантиришда, якка тартибда уй-жой қуришда уларга ҳар томонлама кўмаклашиш, уй-жой биноларини ва бошқа иморатларни ремонт қилишда ҳамда ободонлаштиришда уларга ёрдам бериш тавсия этилди.

V. Фан-техника тараққиёти ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва реализация қилишнинг ҳамда хизмат соҳасининг моддий-техника базасини ривожлантириш

Партиянинг фан-техника тараққиётини жадаллаштириш асосида экономикани ҳар томонлама интенсивлаш йўлига биноан Программада моллар ишлаб чиқариш ва реализация қилишни ҳамда хизмат соҳасини ривожлантиришда сифат жиҳатидан янги даражага эришишни таъминлаш кўзда тутилади. Моллар ишлаб чиқариш ва реализация қилиш ҳамда хизмат соҳаси борасидаги амалий-илмий лойиҳалар даражасини фундаментал фанларнинг тадқиқотлари натижаларидан фойдаланиш асосида янада кенгайтириш ва ошириш тадбирлари кўрилади. Молларга ва хизматларга бўлган эҳтиёжларнинг ривожланиши ҳамда шаклланиши қонуниятларини ва аҳолининг шу моллар ва хизматларга талабларини, социалистик жамиятда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга истеъмолнинг таъсири қонуниятларини ўрганишга алоҳида эътибор берилади.

Моллар ишлаб чиқариш ва реализация қилишни, шунингдек аҳолига хизмат қилишнинг айрим турларини ривожлантиришнинг энг муҳим илмий-техникавий проблемаларига оид фундаментал ва амалий тадқиқотларни мувофиқлаштириб туриш, шу борадаги илмий ва лойиҳа-конструкторлик ишларини марказлаштириш мақсадида тегишли комплекс фан-техника программалари ишлаб чиқилиб, амалга оширилади.

Илмий, конструкторлик ва технология ташкилотларининг, саноат корхоналарининг куч-ғайратлари халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва хизмат соҳасининг техникавий савияси ҳамда самарадорлигини оширишнинг актуал проблемаларини ҳал этишга қаратилади.

Янги техника, қайишқоқ ишлаб чиқариш модуллари ва системалари, меҳнат ва ресурсларни тежайдиган технологиялар, хом ашё ва конструкцион материалларнинг янги турларини яратиш ҳамда жорий этиш жадаллаштирилади. Технология жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштиришни таъминлайдиган машина ҳамда агрегатлар системасидан кенг фойдаланилади. Шу тармоқларга етказиб бериладиган асбоб-ўскуналарнинг техникавий даражаси оширилади, комплектловчи буюмлар, деталлар ва узелларнинг сифати ҳамда пишиқ-пухталиги оширилади.

Фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий қилиш, корхона ва ташкилотларни замонавий серунум асбоб-ускуналар, машиналар, механизмлар билан таъминлаш, мавжуд қувватлардан самарали фойдаланиш ва янги қувватларни ишга туширишнинг асосида моллар ишлаб чиқарадиган тармоқларнинг ва хизмат соҳасининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш тадбирлари амалга оширилади.

Мавжуд йигирув ва тўқиш системаларини янада такомиллаштириш ва янги системаларни ишлаб чиқиш, робот техникаси воситалари ва микропроцессор техникасини қўлланишни ҳисобга олиб енгил саноатда автоматлаштирилган йигирув ва тўқув ишлаб чиқаришларини вужудга келтириш соҳасида тадқиқотлар ўтказиш кўзда тутилади. Аралаш газламалар ишлаб чиқариш ва пардозлашнинг илғор технологияларини, нотўқима материаллар ишлаб чиқаришнинг физикавий-химиявий усулларини, трикотаж ва пойабзал ишлаб чиқаришнинг кам чиқитли технологияларини, кийим ва пойабзални автомат конструкциялаш ҳамда моделлаш системаларини, шунингдек уларни тайёрлаш учун программа асосида бошқариладиган серунум линияларни яратиш жадаллаштирилади.

Енгил саноат учун юқори тезликдаги пневмомеханик йигирув машиналари, шунингдек электрон бошқарув системали мокисиз тўқув станоклари ишлаб чиқаришга ўтилади. Мана шу машина-ускуналарнинг жами ҳажмида мазкур машина ва станокларнинг салмоғи 2000 йилда икки ҳисса кўпайтирилади. Пахта, жун, зиғир толаси, химиявий тола ва уларнинг аралашмасидан калава тайёрлашнинг автоматлаштирилган, кам чиқитли технологиялари учун асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш ташкил этилади, бу асбоб-ускуналар меҳнат унумдорлигини 2—2,5 баравар оширишни таъминлайди.

Бўяш-пардозлаш ишлаб чиқариши учун, нотўқима материаллар, трикотаж буюмлар ва сунъий чарм тайёрлаш учун янги асбоб-ускуналар, жун, хом ипак ва зиғир толасини дастлабки қайта ишлайдиган, кигиз, зиғир, канап, мўйна ва чинни-фаянс саноатида ишлатиладиган асбоб-ускуналар системаларини ишлаб чиқиш жадаллаштирилади ва уларни ишлаб чиқариш таъминланади. Пойабзал ва чарм-галантерея материалларини бичишни программалайдиган асбоб-ускуналар, шунингдек кўп операцияларни бажарадиган агрегатлар ва пойабзал тайёрлаш учун яримавтомат линиялар ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

Илмий ва конструкторлик ишларини ўтказиш янги конструкцион материаллар ва техникани қўлланиш асосида юқори сифатли маданий-маиший ва рўзғорбоп моллар яратишга қаратилган. Телевизорлар, радиоприёмниклар, видеомагнитофонларнинг ҳамда сигнали рақамлар ёрдамида тартибга соладиган бошқа рўзғор радиоэлектр аппаратларининг янги турларини яратиш вазифаси қўйилди. Янги усуллар ва принциплар асосида фотосуратга оладиган, шу жумладан фотосуратга олинганидан кейинок дарҳол позитив суратлар босиб чиқарадиган системалар ишлаб чиқилади.

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган тармоқларда фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш, шундай моллар тайёрлашни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш учун шу тармоқларнинг хом ашё базасини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, уларни зарур ресурслар билан мустаҳкам таъминлаш кўзда тутилади.

Пахта ва ипак хом ашё ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларнинг сифатини анча яхшилаш, йигирув хоссалари яхшиланган канопнинг серҳосил навларини етиштиришни кўпайтириш, жун нуқсонларини камайтириш, чарм ва пўстин-мўйна хом ашёсини тайёрлаш ва дастлабки қайта ишлашни яхшилаш тадбирларини амалга ошириш лозим.

Юқори сифатли буюмлар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган химия хом ашёси ва материалларининг замонавий турларини жадал ривожлантириш кўзда тутилмоқда. Тайёр буюмларни пардозлаш ва уларни харидоргир қилиш учун химиявий тола ва ип кўплаб ишлаб чиқарилади, бўяш материаллари ва препаратлар ишлаб чиқариш кенгайтирилади.

Савдонинг моддий базасини техникавий жиҳатдан жадал қайта жиҳозлаш таъминланади. Сермеҳнат жараёнларни механизациялаштириш ва автоматлаштириш, товар ҳаракатининг технологик схемасини такомиллаштириш, омборхоналарнинг фойдали ҳажмларидан энг кўп даражада фойдаланиш, уларни стеллажларо штабеллерлар, контейнерлар, поддонлар ва бошқа зарур ускуналар билан жиҳозлаш йўли билан ишлаб турган чакана ва улгуржи савдо корхоналари ишининг самарадорлиги оширилади.

Товарлар сифатини сақлаш ҳамда уларнинг нобуд бўлишини камайтириш, савдо маданиятини ошириш, харидорларнинг вақтини тежаш, меҳнат сарфини камайтириш мақсадида товарларни ўраш ва жойлаш ҳамда саноат йўли билан қадоқлаш, озиқ-овқат бўлмаган товарларни жойлаш учун идишлар ва материаллар ишлаб чиқариш тадбирлари белгиланади.

Товар ишлаб чиқаришнинг умумий ўсишига нисбатан уларни майдароқ ҳажмларда қадоқлаб чиқариш илдам суръатлар билан ривожлантирилади. Товарларни ўраш сифати ва пухталиги, унинг бадиий безаги яхшиланади, товарларни жойлайдиган ва қадоқлайдиган техника ишлаб чиқариш кўзда тутилади.

Хизмат кўрсатиш тармоқларини жадал ривожлантиришга, аҳолига хизмат қилишнинг форма ва шароитларини такомиллаштиришга, бу тармоқлардаги ишларни механизациялаш ва автоматлаштиришга, моддий ва меҳнат ресурсларини тежашга оид илмий тадқиқотлар ўтказиш кўзда тутилади.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналарига хизматнинг юксак даражада механизациялаштирилишини ва сифатли бажарилишини таъминлайдиган машиналарнинг махсус системасини ишлаб чиқиш ва етказиб бериш кўзда тутилади. Ҳажми кичкина, осонлик билан кўчириб юриш мумкин бўлган ва тез қайта созланадиган ускуналар ишлаб чиқариш кўпаяди. Машиналар, ускуналар, асбоблар, диагностика ва техникавий жиҳозлаш воситалари ишлаб чиқариш кўпаяди. Ушбу корхоналарни юқори сифатли хом ашё ва материаллар билан, зарур химикатлар билан таъминлаш яхшиланади.

Шаҳар пассажир транспортининг ремонт-эксплуатация базаси янада ривожлантирилади. Йўл ҳаракатини автомат тарзда бошқариш ва созлаш системалари, шунингдек, шаҳар пассажир транспортининг ер устида юрадиган ҳамма турларида марказлашган диспетчерлик бошқаруви жорий этилади.

Маданият муассасалари объектлари, шаҳар ва район маданий-спорт комплекслари объектлари учун ускуналар тайёрлашга, парк аттракционлари ва ўйин автоматлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, туристик экскурсия, санаторий-курорт ва соғломлаштириш муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилади. Иқтисодий ва социал тараққиёт планларида халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ва хизмат кўрсатишни ривожлантириш юзасидан программада белгиланган топшириқларини бажариш учун зарур капитал маблағ ва моддий ресурслар ажратиш кўзда тутилади. Ажратиладиган маблағлар биринчи галда корхоналарни техника билан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилишга, тармоқлараро номутаносибликларни бартараф этишга, ишлаб турган қувватлардан фойдаланишни яхшилашга, меҳнат унумдорлигини оширишга сарфланиши лозим.

Енгил саноатда ип газлама ва аралаш газламалар, трикотаж ва кийим-кечак, нотўқима материаллар, чарм-пойабзал саноати буюмлари ишлаб чиқариш қувватларини ўстиришга алоҳида эътибор берилади. Кўзда тутилган қувватларни ишга тушириш учун конкрет топшириқлар белгилаб қўйилди. Маҳаллий саноатда ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини ва ишлаб чиқариш маданиятини анча ошириш, қўл меҳнати сарфини бирмунча камайтириш, товарлар ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш, талабнинг ўзгаришига мувофиқ тарзда ишлаб чиқаришни ўз вақтида қайта қуриш учун шароитлар яратиш кўзда тутилади.

Саноат тармоқлари «А» группасининг илмий-техника потенциалидан, уларнинг технологияси ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш даражасидан маданий-маиший рўзғорбоп мураккаб техника товарлари ва уларга эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришда яна ҳам кенгроқ фойдаланиш, шу мақсадда ҳамма корхоналарда ихтисослашган цехлар ва участкалар барпо этиш вазифаси қўйилди.

VI. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва уларни реализация қилиш ҳамда хизмат кўрсатиш билан банд бўлган тармоқларни ишчи кадрлар ва мутахассислар билан таъминлаш

Программада халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва уларни реализация қилиш, хизмат кўрсатиш билан банд бўлган тармоқларнинг кенг профилдаги малакали ишчи кадрлар ва мутахассисларга бўлган эҳтиёжини янада тўлароқ қондириш тадбирлари белгиланди. Ўн иккинчи беш йилликда енгил ва маҳаллий саноат, савдо ва умумий овқатланиш, уй-жой-коммунал хўжалик ва маиший хизмат корхоналари ҳамда ташкилотлари учун ҳунар-техника билим юртларида 2,1 миллион ишчи ва бевосита ишлаб чиқаришнинг ўзида 3,9 миллион ишчи тайёрланади.

Ишчи кадрлар тайёрлаш учун моддий-техника базаси янада ривожлантирилади ва мустаҳкамланади, ҳунар-техника билим юртлари шохобчалари кенгайтирилади.

Савдо ва маиший хизмат соҳаси учун кадрлар тайёрлайдиган ҳунар-техника билим юртларини умумий таълим мактабларини битириб чиққан ёшлар билан комплектлашда, шунингдек, мактаб ўқувчиларининг юқори синфларда ана шу тармоқлар учун оммавий касб-ҳунарни эгаллаши билан боғлиқ меҳнат таълимини кучайтиришда халқ маорифи органларининг роли оширилади. Ўқувчиларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш учун ўқув-моддий базасини вужудга келтириш ва мустаҳкамлашда саноат, савдо ва маиший хизмат корхоналарининг иштироки кенгайтирилади.

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган, савдо ва хизмат соҳалари корхоналарининг олий ва ўрта махсус маълумотли юқори малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш кўзда тутилади. Дизайнерлар, модельерлар, безовчилар, аҳолининг моллар ва хизмат турларига бўлган талабини ўрганиш ва олдиндан аниқлаш билан банд бўлган мутахассислар, шунингдек, меҳмонхона, туристик ва экскурсия хизмати мутахассисларини тайёрлашга эътибор кучайтирилади.

Ходимлар, шу жумладан, раҳбар ходимлар малакасини ошириш, уларнинг бошқариш, планлаштириш, меҳнат ва ишлаб чиқарицни ташкил этишнинг илғор методларини, фан-техника тараққиёти ютуқларини эгаллаш системасини такомиллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Корхоналарда меҳнат нормаларини илмий асослаш даражасини ошириш, янги техника ва ишлаб чиқариш технологиясини жорий этишни ҳисобга олган ҳолда меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш тавсия қилинди. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг илғор формаларини, оқилона иш режимларини қўлланиш, касб ва меҳнат функцияларини биргаликда бажариш кенгайтирилади. Гражданларнинг асосий иш вақтидан бўш пайтларида касаначилик меҳнатидан кенг фойдаланилади, уй бекалари, студентлар, пенсионерлар, инвалидлар тўлиқ бўлмаган иш куни ёки тўлиқ бўлмаган иш ҳафтаси шароитида ишга янада актив жалб этилади.

Моллар ишлаб чиқариш ва реализация қилиш ҳамда хизмат кўрсатиш билан банд бўлган ходимлар меҳнатининг обрў-эътибори оширилади. Уларда топширилган иш учун масъулият туйғуси кучайтирилади. Ҳар бир киши ўз иш жойида виждонан ва тўла самара билан ишлашига эришилади. Социалистик мусобақани ташкил этиш яхшиланади ва унинг таъсирчанлиги оширилади. Кадрларнинг ўрнашиб қолиши, ишлаб чиқариш маданиятини ошириш ва уларнинг социал-маиший шароитини яхшилаш масалаларига эътибор кучайтирилади.

VII. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва хизмат соҳасини ривожлантириш юзасидан иттифоқдош республикаларнинг асосий вазифалари

Ҳар бир иттифоқдош республика ўз территориясида комплекс иқтисодий ва социал ривожланишни таъминлаб, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, савдо ва умумий овқатланиш ҳамда хизмат соҳасини ривожлантириш юзасидан программада белгиланган топшириқларни амалга оширишга салмоқли ҳисса қўшиши зарур. Тегишли территорияда жойлашган барча корхоналар ўзларининг қайси идорага бўйсунишидан қатъи назар, мана шу вазифаларни ҳал этишда қатнашишга жалб қилинади.

Программа топшириқларини амалга ошириш давомида:

мавжуд ишлаб чиқариш қувватларининг энг кўп даражада иш билан таъминланиши, капитал маблағлардан оқилона фойдаланиш, янги қувватларни ўз вақтида ишга туширириш ва ўзлаштириш, бўш меҳнат ресурсларига эга бўлган мавжуд корхоналарнинг районларда филиаллари ва цехларини янада кенгроқ ташкил этишни;

хом ашё ва материалларни тежаб-тергаб сарфлаш, маҳаллий хом ашё ва айниқса, иккиламчи ресурсларни актив жалб этишни;

меҳнат унумдорлигини ошириш, қўшимча меҳнат ресурсларини жалб этиш, гражданларнинг касаначилик меҳнатидан янада кенг фойдаланишни таъминлаш зарур.

Республикалар, ўлкалар ва областларнинг партия ва совет органлари зиммасига биринчи навбатда жойлардаги мавжуд резервлардан энг кўп даражада фойдаланиш ҳисобига аҳолини моллар ва хизматлар билан таъминлаш учун бутун масъулият юкланди.

Иттифоқдош республикаларга 1986—2000 йилларда озиқ-овқат бўлмаган халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ва аҳолига хизмат ҳажмини кўпайтириш юзасидан топшириқлар белгиланди.

Енгил ва маҳаллий саноатда, саноатнинг «А» группаси тармоқлари корхоналарида ва хизмат соҳасида буюмларнинг айрим турларини ишлаб чиқаришни мақбул тарзда жойлаштириш ва ихтисослаштиришни таъминлаш кўзда тутилади. Энг зарур ва кўплаб харид қилинадиган хилма-хил оддий моллар ишлаб чиқариш кўпайтирилади, республикалар аҳолисининг ана шу молларга бўлган эҳтиёжи тўлиқ қондирилади.

Савдода, умумий овқатланишда ва хизмат соҳасида аҳолига хизмат кўрсатишнинг янги форма ва методларини жорий этишга, иш самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор берилади. Ўлкалар, областлар ва районларда, шунингдек, шаҳар ва қишлоқ жойларда ана шу тармоқларни ривожлантиришдаги мавжуд фарқларни планли равишда тугатишга қаратилган тадбирлар амалга оширилади. Унда аҳоли турмуш укладининг регионал ва миллий хусусиятлари ҳисобга олинади. Савдо ва хизмат соҳаси объектлари уй-жойлар билан бир вақтда ишга туширилиши, ана шу мақсадлар учун ажратилаётган капитал маблағлар тўлиқ ўзлаштирилиши таъминланади. Хизмат соҳасининг моддий-техника базасини ривожлантиришга саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш корхоналари ва ташкилотлари кенг жалб этилади.

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ва хизмат соҳасини ривожлантириш юзасидан иттифоқдош республикаларнинг қуйидаги асосий вазифалари белгиланди.

Россия Совет Федератив Социалистик Республикасида, айниқса, республиканинг шарқий районларида ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг интенсив омиллари ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳисобига енгил саноат, маданий-маиший ва рўзғорбоп моллар ишлаб чиқариш янада ривожлантирилади. Тўқимачилик, тикувчилик ва чарм пойабзал корхоналарини реконструкциялаш ва техника билан қайта қуроллантиришга, трикотаж буюмлар ва нотўқима материаллар ишлаб чиқарадиган қувватларни оширишга алоҳида эътибор берилади.

1990 йилда газлама тўқиб чиқариш 9,4 миллиард квадрат метрга ва 2000 йилда 10,9 миллиард квадрат метрга, шу жумладан, газламасимон нотўқима материаллар тайёрлаш 1990 йилда 1074 миллион квадрат метрга, 2000 йилда 1544 миллион квадрат метрга етказилади. 1990 йилда 894 миллион жуфт ва 2000 йилда 924 миллион жуфт пайпоқ, 1990 йилда 922 миллион дона ва 2000 йилда 1400 миллион дона трикотаж буюм, 1990 йилда 410 миллион жуфт ва 2000 йилда 444 миллион жуфт пойабзал ишлаб чиқарилади.

Саноат ривожланишининг эришилган даражасини ҳисобга олган ҳолда юқори сифатли рўзғор машиналари ва приборлари, спорт билан шуғулланиш, ҳордиқ чиқариш, томорқа ва шахсий ёрдамчи хўжаликда меҳнатни енгиллаштиришга мўлжалланган буюмлар ишлаб чиқариш жадал кўпайтирилади.

Шарқий районларда, айниқса, БАМ зонасида, шунингдек, қишлоқ жойларда, территориал-ишлаб чиқариш комплекслари ташкил этилаётган районларда савдо ва маиший хизмат, уй-жой-коммунал хизматни жадал ривожлантириш ва сифатини яхшилаш таъминланади.

Сибирь, Узоқ Шарқ, Ноқоратупроқ, Каспий ва Азов денгизи соҳилларида санаторий-курорт ва соғломлаштириш муассасалари тармоғи, шунингдек, Шимолий Кавказда ва республиканинг бошқа районларида дам олиш муассасалари, экскурсия-туристик хизмат муассасалари тармоғи жадал ривожлантирилади.

Украина ССРда юқори сифатли маданий-маиший ва рўзғорбоп моллар ишлаб чиқариш жадал суръатлар билан ривожлантирилади, ана шу мақсадлар учун оғир саноат ва машинасозлик корхоналарининг имкониятларидан янада тўлароқ фойдаланилади. Корхоналарни реконструкциялаш ва техника билан қайта қуроллантириш ҳисобига 2000 йилда мебель ишлаб чиқариш 1,5 баравар кўпайтирилади.

Енгил саноатда калава, газлама, чармдан тайёрланган моллар ишлаб чиқариш жадал суръатлар билан ривожлантирилади. 1990 йилда 1325 миллион квадрат метр газлама, шу жумладан, 218 миллион квадрат метр газламасимон нотўқима материал, 2000 йилда 1572 миллион квадрат метр газлама, жумладан 343 миллион квадрат метр газламасимон нотўқима материаллар ишлаб чиқарилади. 1990 йилда пайпоқ тўқиб чиқариш 460 миллион жуфтга ва 2000 йилда 485 миллион жуфтга, 1990 йилда трикотаж буюмлар ишлаб чиқариш 377 миллион донага, 2000 йилда 564 миллион донага, 1990 йилда пойабзал ишлаб чиқариш 195 миллион жуфтга ва 2000 йилда 213 миллион жуфтга етказилади.

1986—2000 йилларда 50 миллион квадрат метр шойи газлама, 50 миллион квадрат метр зиғир толасидан газлама тўқиб чиқарадиган қувватлар, 100 миллион квадрат метр нотўқима материаллар ишлаб чиқарадиган фабрикалар ва ўйинчоқлар ишлаб чиқарадиган фабрика фойдаланишга топширилади.

Транспорт, алоқа, физкультура ва спорт муассасалари хизмати ҳамда туристик-экскурсия хизмати жадал ривожлантирилади. Қора денгиз ва Азов денгизи соҳилларида курорт зонаси кенгайтирилади. Дам олувчиларга савдо ва маиший хизмат кўрсатиш яхшиланади.

Белоруссия ССРда техник жиҳатдан мураккаб буюмлар, шу жумладан, хилма-хил осма қуролли мотоблоклар ишлаб чиқариш ривожлантирилади. Республика учун анъанавий ёғочдан ишланган буюмлар, сопол буюмлар, новдадан, қамишдан ва бошқа материаллардан буюмлар ишлаб чиқариш кўпайтирилади.

Юқори сифатли трикотаж буюмлар, пайпоқ ишлаб чиқариш, шунингдек, республикада тўқиб чиқарилган газламаларни шу ернинг ўзида истеъмол қилиш учун ҳамда мамлакатнинг бошқа районларига ва экспорт қилиш учун етказиб бериш мақсадида енгил саноатни ихтисослаштириш давом эттирилади. Зиғир толасини қайта ишлайдиган саноатни жадал ривожлантириш таъминланади.

1990 йилда 500 миллион квадрат метр ва 2000 йилда 737 миллион квадрат метр газлама, 1990 йилда 153 миллион дона ва 2000 йилда 174 миллион дона трикотаж буюм, 1990 йилда 47 миллион жуфт ва 2000 йилда 53 миллион жуфт пойабзал ишлаб чиқарилади. Газлама, тикув буюмлар, нотўқима материаллар, пойабзал ва унга хом ашё ишлаб чиқарадиган қувватлар кенгайтирилади.

Аҳолига савдо, маиший ва транспорт хизмати яхшиланади, қишлоқ аҳоли пунктлари ва район марказлари ўртасида автобус маршрутлари тармоғи кенгайтирилади. Санаторий-курорт хизматини ривожлантириш учун маҳаллий бальнеологик ресурслардан кенгроқ фойдаланилади.

Ўзбекистон ССРда енгил саноатда вужудга келтирилган ишлаб чиқариш қувватларини ва мавжуд меҳнат ресурсларини кенгайтириш ва улардан янада самарали фойдаланиш асосида газлама ишлаб чиқариш 1990 йилда 948 миллион квадрат метрга ва 2000 йилда 1474 миллион квадрат метрга, трикотаж буюмлар ишлаб чиқариш 1990 йилда 166 миллион донага ва 2000 йилда 310 миллион донага, пойабзал ишлаб чиқариш 1990 йилда 52 миллион жуфтга ва 2000 йилда 66 миллион жуфтга етказилади. Ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифати анча яхшиланади.

300 миллион квадрат метр ип газлама, 200 миллион квадрат метр шойи газлама ва 120 миллион квадрат метр нотўқима материаллар ишлаб чиқарадиган қувватлар, тикувчилик ва пойабзал фабрикалари қувватлари, чарм заводи ишга туширилади. Кичик шаҳарлар ва қишлоқ жойларда корхоналар ва уларнинг филиаллари, шунингдек, оғир саноат ва машинасозлик корхоналарида моллар ишлаб чиқарадиган ихтисослаштирилган цехлар қуриш кўзда тутилади. Жамоат ишлаб чиқаришида банд бўлмаган хотин-қизлар халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга ва хизмат кўрсатиш соҳасида ишлашга кенг жалб этилади.

Айниқса, қишлоқ жойларда савдо ва умумий овқатланиш, хизмат соҳасини ривожлантириш даражаси оширилади. Аҳолини сув билан таъминлаш яхшиланади, янги водопроводлар қурилади. Санаторий-курорт ва соғломлаштириш муассасалари тармоқларини ривожлантириш давом эттирилади.

Айниқса, Бухоро, Самарқанд ва Хивада тарих ва маданият ёрғорликлари билан таништириш мақсадида туристик ва экскурсия машрутлари ривожлантирилади.

Қозоғистон ССРда енгил ва маҳаллий саноат корхоналарини реконструкциялаш ва техника билан қайта қуроллантириш, шунингдек, янги корхоналарни қуриш ҳисобига моллар ишлаб чиқарадиган қувватларни ривожлантириш тезлаштирилади. СССР министрликлари ва идораларининг республика территориясида жойлашган корхоналарида маданий-маиший ва рўзғор буюмлари ишлаб чиқариш кўпайтирилади. Аҳолининг кийим-кечак, пойабзал, газлама ва бошқа халқ истеъмол молларига бўлган эҳтиёжини асосан, ана шу молларни республикада ишлаб чиқариш ҳисобига янада тўлароқ қондириш таъминланади.

(Давоми тўртинчи бетда).

1986—2000 ЙИЛЛАРДА ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛ МОЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА МАИШИЙ ХИЗМАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОМПЛЕКС ПРОГРАММАСИ

(Боши биринчи, иккинчи, учинчи бетларда).

200 миллион квадрат метр ип газлама ва 75 миллион квадрат метр шойи газлама ишлаб чиқарадиган қувватлар ишга туширилади, пайпоқ, трикотаж ва тикув буюмлар, нотўқима материаллар ишлаб чиқарадиган фабрикалар, еттита пойабзал фабрикаси, иккита чарм заводи қурилади. 1990 йилда 385 миллион квадрат метр ва 2000 йилда 666 миллион квадрат метр газлама, 1990 йилда 135 миллион дона ва 2000 йилда 189 миллион дона трикотаж буюм, 1990 йилда 37 миллион жуфт ва 2000 йилда 44 миллион жуфт пойабзал ишлаб чиқарилади.

Айниқса, йирик саноат комплекслари ташкил этилаётган районларда аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатиш, қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатишнинг кўчма формалари жадал суръатлар билан ривожлантирилади. Аҳолини сув билан таъминлаш яхшиланади, канализация тармоқлари узайтирилади. Республика аҳолисининг санаторий-курорт ва туристик-экскурсия хизмати билан таъминланиши яхшиланади, Чимбулоқ зонасида тоғ чанғи комплекси ривожлантирилади.

Грузия ССРда калава, трикотаж буюмлар ишлаб чиқарадиган, кийим-кечакларни тикиб берадиган ва чарм ишлаб чиқарадиган енгил саноат қувватлари кенгайтирилади. Маҳаллий саноатда ва матлубот кооперацияси системасида аҳолига манзур бўлаётган анъанавий миллий буюмлар ишлаб чиқариш ривожлантирилади. 1990 йилда 217 миллион квадрат метр ва 2000 йилда 271 миллион квадрат метр газлама, 1990 йилда 75 миллион дона ва 2000 йилда 85 миллион дона трикотаж буюмлар, 1990 йилда 20 миллион жуфт ва 2000 йилда 22 миллион жуфт пойабзал ишлаб чиқарилади. Республиканинг зарур меҳнат ресурсларига эга бўлган тоғли районларида моллар ишлаб чиқарадиган мавжуд корхоналарнинг филиалларини ташкил этиш ҳамда янги цехлар ва участкалар қуриш давом эттирилади.

Янги туристик-экскурсия маршрутлари ташкил этилади, республиканинг қулай табиий-иқлим шароитларидан кенг фойдаланилади. Қора денгиз курорт зонаси, шифохоналар, меҳмонхона хўжалиги тармоқлари янада кенгайтирилиб, мазкур регионда транспорт, савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат корхоналари ҳамда хизмат соҳаси бошқа корхоналарининг иши яхшиланади.

Озарбайжон ССРда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ривожлантириш давом эттирилади ва уларнинг сифатини яхшилашга алоҳида эътибор берилади. Нефтни қайта ишлаш саноати корхоналарида рўзғор химияси моллари, шунингдек, электротехника, радиотехника, электрон саноати, приборсозлик корхоналарида маданий-маиший ва рўзғор буюмлари ишлаб чиқариш кўпайтирилади.

1990 йилда 275 миллион квадрат метр ва 2000 йилда 513 миллион квадрат метр газлама ишлаб чиқарилади. 1990 йилда трикотаж буюмлар ишлаб чиқариш 55 миллион донага ва 2000 йилда 66 миллион донага, 1990 йилда пойабзал ишлаб чиқариш 25 миллион жуфт ва 2000 йилда 29 миллион жуфтга етказилади.

Тўқимачилик комбинатларида ип газламаларни бўяйдиган ва пардозлайдиган корхоналарни реконструкциялаш ва кенгайтириш жадаллаштирилади. 100 миллион квадрат метр ип газлама ва 70 миллион квадрат метр шойи газлама, 105 миллион квадрат метр нотўқима материаллар ишлаб чиқарадиган корхоналар ишга туширилади, тикувчилик фабрикалари реконструкция қилинади ва пойабзал фабрикаси қурилади.

Савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат корхоналари тармоғи кенгайтирилади. Водопровод-канализация хўжалигининг янги иншоотлари қурилади ва мавжуд иншоотлар реконструкция қилинади. Каспий денгизи соҳилида санаторий-курорт муассасалари, дам олиш уйлари, меҳмонхоналар, туристик базалар ва кемпинглар юксак даражада обод ва қулай тарзда ривожлантирилади.

Литва ССРда корхоналарни реконструкциялаш ва техника билан қайта қуроллантириш асосида енгил саноат моллари ишлаб чиқариш кўпайтирилади. 1990 йилда 265 миллион квадрат метр ва 2000 йилда 297 миллион квадрат метр газлама, 1990 йилда 65 миллион ва 2000 йилда 69 миллион дона трикотаж буюм, 1990 йилда 13 миллион жуфт ва 2000 йилда 16 миллион жуфт пойабзал ишлаб чиқарилади. Чарм заводи, нотўқима материаллар, пойабзал ишлаб чиқариладиган фабрикалар қурилади.

Маданий-маиший ва рўзғор моллари, айниқса, қўлда ишлатиладиган ва механизациялашган асбоблар ҳамда хонадонларда, боғ-участкаларда ва шахсий ёрдамчи хўжаликларда ишлатиладиган инвентарлар, шунингдек, ошхона мебели ва ёғочдан тайёрланган мебеллар ишлаб чиқариш жадал суръатлар билан ривожлантирилади.

Мавжуд курорт зоналарида санаторий муассасалари ривожлантирилади.

Молдавия ССРда енгил ва озиқ-овқат саноати ҳамда рўзғор приборлари, приборсозлик ва электротехника саноати учун машинасозлик корхоналарида маданий-маиший ва хўжалик моллари ишлаб чиқариш ихтисослаштирилган цехлар ва участкалар ташкил этиш ҳисобига жадал суръатлар билан ривожлантирилади. Маҳаллий саноат корхоналарида шундай моллар ишлаб чиқариш анча кенгайтирилади, маҳаллий хом ашёдан халқ бадиий ҳунармандчилиги буюмлари ва моллар ишлаб чиқариш кўпайтирилади.

1990 йилда 227 миллион квадрат метр ва 2000 йилда 258 миллион квадрат метр газлама, 1990 йилда 66 миллион ва 2000 йилда 80 миллион дона трикотаж буюм, 1990 йилда 23 миллион ва 2000 йилда 26 миллион жуфт пойабзал ишлаб чиқарилади. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг белгиланган ҳажмлари асосан янги техника ва илғор технологияни жадал жорий этиш, меҳнатни ташкил этишни ва ишлаб чиқаришни янада такомиллаштириш ҳисобига таъминланади.

Синтетик ип, ип газлама тўқиладиган калава, трикотаж полотно, коржомбоп газлама ишлаб чиқарадиган фабрикалар, хром чарм, манзарали ойна ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқарадиган заводлар қурилади.

Қишлоқ жойларда аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатиш жадал ривожлантирилади. Транспорт ва алоқа хизмати, санаторий-курорт ва соғломлаштириш муассасалари тармоғи кенгайтирилади.

Латвия ССРда юқори сифатли рўзғор радиоэлектрон аппаратлари, шиша, ёғоч ва лойдан тайёрланадиган буюмлар, трикотаж буюмлар ва пойабзал турлари такомиллаштирилади ва уларни ишлаб чиқариш кўпайтирилади. 2000 йилда маданий-маиший ва хўжалик буюмлари ишлаб чиқариш 1,8-1,9 баравар кўпайтирилади.

1990 йилда 143 миллион квадрат метр ва 2000 йилда 282 миллион квадрат метр газлама, 1990 йилда 46 миллион ва 2000 йилда 49 миллион дона трикотаж буюм, 1990 йилда 11 миллион ва 2000 йилда 14 миллион жуфт пойабзал ишлаб чиқарилади. 124 миллион квадрат метр нотўқима материаллар ишлаб чиқариладиган қувватлар ишга туширилади.

Шаҳарларда марказлаштирилган сув ва иссиқлик таъминоти тармоғи ривожлантирилади, уй-жой фондини ободонлаштириш даражаси оширилади. Айниқса, Риганинг денгиз соҳилида физкультура ва спорт муассасалари, санаторий-курорт, соғломлаштириш ва туристик муассасалари, савдо ва маиший хизмат корхоналари кенгайтирилади. Юрмала курорти объектлари қурилиши тезлаштирилади.

Қирғизистон ССРда енгил саноат жадал ривожлантирилади ва аҳолининг ана шу саноат маҳсулотига бўлган эҳтиёжини қондириш даражаси анча оширилади. 1990 йилда 189 миллион квадрат метр ва 2000 йилда 243 миллион квадрат метр газлама, 1990 йилда 26 миллион ва 2000 йилда 43 миллион дона трикотаж буюм, 1990 йилда 12 миллион ва 2000 йилда 16 миллион жуфт пойабзал ишлаб чиқарилади. 40 миллион квадрат метр нотўқима материаллар ишлаб чиқариладиган қувватлар ишга туширилади, иккита тикувчилик ва иккита пойабзал фабрикаси, чарм заводи қурилади.

СССР министрликлари ва идораларининг республика территориясида жойлашган корхоналаридa маданий-маиший ва хўжалик моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳисобига уларни ишлаб чиқариш жадал суръатлар билан ўстирилади, ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифати анча яхшиланади.

Шаҳар ва қишлоқ аҳолисига савдо-маиший, коммунал ва транспорт хизмати яхшиланади. Қишлоқ жойларда шаҳар электр ва автобус транспортини ривожлантиришга, уй-жой фондини газлаштиришга алоҳида эътибор берилади. Иссиқкўл районида санаторий-курорт шифохоналари тармоғини ташкил этиш давом эттирилади.

Тожикистон ССРда ишлаб чиқариш қувватларини янада кўпайтириш ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш асосида 1990 йилда 256 миллион квадрат метр ва 2000 йилда 435 миллион квадрат метр газлама, 1990 йилда 13 миллион ва 2000 йилда 70 миллион дона трикотаж буюм, 1990 йилда 12 миллион ва 2000 йилда 16 миллион жуфт пойабзал ишлаб чиқарилади. 70 миллион квадрат метр нотўқима материал ва 70 миллион квадрат метр шойи газлама ишлаб чиқарадиган қувватлар ишга туширилади, тикувчилик ва пойабзал фабрикаси, чарм заводи қурилади. Анъанавий халқ бадиий ҳунармандчилиги буюмлари ишлаб чиқариш кўпайтирилади.

Бўш меҳнат ресурсларига эга бўлган районларда мавжуд корхоналарнинг филиалларини ташкил этиш ва янги корхоналар қуриш ишлари жадаллаштирилади. Меҳнатни ташкил этишнинг касаначилик формаларидан кенг фойдаланилади.

Савдо, умумий овқатланиш ва хизмат соҳаси жадал ривожлантирилади, уларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланади. Санаторий-курорт ва туристик-экскурсия муассасалари тармоғи кенгайтирилади.

Арманистон ССРда корхоналар ва уларнинг филиалларини техника билан қайта қуроллантириш, меҳнатни ташкил этишни яхшилаш асосида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини яхшилаш тадбирлари изчил амалга оширилади. 1990 йилда 174 миллион квадрат метр ва 2000 йилда 252 миллион квадрат метр газлама, 1990 йилда 131 миллион ва 2000 йилда 178 миллион дона трикотаж буюм, 1990 йилда 30 миллион ва 2000 йилда 38 миллион жуфт пойабзал ишлаб чиқарилади. 55 миллион квадрат метр нотўқима материал ишлаб чиқариладиган қувватлар ишга туширилади, тикувчилик ва пойабзал фабрикалари қурилади. Юқори сифатли ва айниқса модали пойабзал ишлаб чиқариш кўпайтирилади.

Маданий-маиший ва рўзғор моллари ишлаб чиқариш учун машинасозлик корхоналари имкониятларидан кенг фойдаланилади.

Тоғ ва тоғ этакларидаги районларда яшовчи аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатиш яхшиланади. Транспорт хизматини, алоқа ва меҳмонхона хўжалигини кенгайтириш кўзда тутилади. Республиканинг асосий туристик зоналари комплекс ўзлаштирилади.

Туркманистон ССРда озиқ-овқат бўлмаган молларни ишлаб чиқариш илдам суръатлар билан кенгайтирилади. 1990 йилда 82 миллион квадрат метр ва 2000 йилда 170 миллион квадрат метр газлама, шу йилларда 13 миллионта ва 38 миллионта трикотаж буюмлар, 5 миллион ва 9 миллион жуфт пойабзал ишлаб чиқарилади.

50 миллион квадрат метр ип газлама, 5 миллион жуфт пойабзал ишлаб чиқарадиган қувватлар ишга туширилади, нотўқима материаллар ишлаб чиқарадиган иккита фабрика қурилади, енгил ва маҳаллий саноат корхоналарини реконструкция қилиш ва техника билан қайта жиҳозлаш, ишлаб турган корхоналарнинг филиалларини вужудга келтириш ишлари давом эттирилади.

Савдо-умумий овқатланиш, хизмат соҳалари жадал ривожлантирилиши таъминланади. Олис районларда ва кичик посёлкаларда аҳолига хизмат кўрсатишнинг кўчма формалари активроқ жорий этилади. Уй-жойларнинг коммунал ободонлик даражаси анча оширилади, газлаштириш, сув таъминоти ва канализация тармоғи ривожлантирилади. Табиий бальнеологик ва иқлим имкониятлари ҳисобга олиниб, мавжуд санаторий-курорт муассасалари кенгайтирилади.

Эстония ССРда ип газлама 1990 йилда 196 миллион квадрат метр ва 2000 йилда 220 миллион квадрат метр, газлама туридаги нотўқима материаллар 1990 йилда 20 миллион квадрат метр ва 2000 йилда 57 миллион квадрат метр, трикотаж буюмлар 1990 йилда 24 миллионта, 2000 йилда 29 миллионта ишлаб чиқарилади.

Рўзғор радиоэлектрон аппаратлари, рўзғор электр машиналари ва приборлари, шунингдек боғ участкалари ҳамда шахсий ёрдамчи хўжаликлардаги ишлар учун кичик механизация воситалари ишлаб чиқариш кўпайтирилиб, хили кенгайтирилади. Маҳаллий хом ашё ва иккиламчи ресурслардан товарлар ишлаб чиқариш илдам суръатлар билан ривожлантирилади, бундай буюмларни ишлаб чиқариш ўн иккинчи беш йилликда 67 процент кўпайтирилади.

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш, аҳолига хизмат кўрсатиш билан банд бўлган тармоқларга меҳнат ресурсларини жалб этиш формалари такомиллаштирилади.

Кичик аҳоли пунктларида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш, қишлоқ жойларда уй-жойларни ва шаҳарларда эски уй-жой фондини коммунал ободонлаштириш даражаси оширилади. Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш, Сааремаа ва Хийумал оролларида паром алоқаси яхшиланади.

VIII. Социалистик мамлакатлар билан ҳамкорликни ривожлантириш

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзоси бўлган мамлакатларнинг олий даражадаги иқтисодий кенгаши қарорларига мувофиқ равишда халқ истеъмол товарлари, хом ашё ишлаб чиқариш ва уларни бир-бирларига етказиб бериш, бу товарларни ишлаб чиқариш учун хом ашё, материаллар ва ускуналарни бир-бирларига етказиб бериш, шунингдек хизмат кўрсатиш соҳасида халқаро ҳамкорлик ривожлантирилади ва чуқурлаштирилади.

СССР давлат планларини Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзоси бўлган бошқа социалистик мамлакатлар давлат планлари билан мувофиқлаштириш чоғида моллар ишлаб чиқариш, техника билан қайта қуроллантириш, тегишли ишлаб чиқаришларни автоматлаштириш ва механизациялаш учун хом ашё базасини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш соҳасида ўзаро ҳамкорлик тадбирлари, шу жумладан компенсация негизида ҳамкорлик қилиш тадбирлари кўзда тутилади.

Халқ истеъмол товарлари, ускуналар, комплектлаш узелари ва деталлари, эҳтиёт қисмлар, енгил саноат ҳамда халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқараётган ва аҳолига хизмат кўрсатаётган бошқа тармоқлар учун химиявий маҳсулотларнинг айрим турларини ишлаб чиқаришда кооперация ва ихтисослаштириш чуқурлаштирилади.

Халқ истеъмол товарларининг янги турларини яратиш ва уларни ишлаб чиқаришни ташкил этишда, биргаликдаги ечимлар ҳамда замонавий технология жараёнлари ва материалларини жорий этиш, машина ва ускуналарнинг илғор системаларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш асосида буюмларнинг сифатини яхшилашда илмий-техника ҳамкорлиги активроқ ривожлантирилади.

Товарлар ишлаб чиқариш ва сотишни бошқариш, планлаштириш, хизмат кўрсатиш, талаб ва эҳтиёжларни олдиндан белгилаш соҳасидаги тажрибаларни алмашиш юзасидан ҳамкорлик кенгайтирилади. Ички ва чегарага яқин жойларда савдо қилиш, матлубот кооперацияси ва универмаглар йўли билан юқори сифатли товарларни алмашиш ривожлантирилади.

IX. Ишлаб чиқаришни бошқариш, халқ истеъмол молларини сотиш ва хизмат кўрсатиш соҳасини такомиллаштириш масалалари

Программада иқтисодий механизмни янада такомиллаштириш, аҳолининг товарларга ва хизматга эҳтиёжларини тўғин ҳам тўлароқ қондиришдан саноат корхоналари ва ташкилотлари, савдо ва хизмат соҳаси манфаатдорлигини ҳамда уларнинг масъулиятини ошириш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш кўзда тутилган. Бунда енгил ва маҳаллий саноатда, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ва бошқа тармоқларда ўтказилаётган иқтисодий эксперимент натижалари ҳисобга олинади.

Халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш билан банд бўлган саноат ишлаб чиқариш бирлашмалари (корхоналари)-нинг ҳужалик фаолиятига энг аввало шартнома мажбуриятларида белгиланган ҳажмда, ассортиментда ва сифатдаги маҳсулотларни кўзда тутилган муддатларда етказиб бериш планларининг бажарилишига қараб баҳо берилади, шунингдек шу кўрсаткичларга қараб улар иқтисодий жиҳатдан рағбатлантирилади.

Маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ва ташкилотлари, хизмат кўрсатиш соҳасидаги бошқа корхоналар ва ташкилотлар хўжалик фаолиятига баҳо бериш вақтида аҳоли томонидан пул тўланадиган хизматни, шунингдек хизматнинг халқ истеъмол товарларини ва хизматга талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш ҳамда шакллантиришнинг умумдавлат системасини барпо этиш кўзда тутилади. Инсон фаолиятининг энг муҳим жиҳатлари ривожланишини, ишлаб чиқаришни ҳамда халқ истеъмол товарлари сотишни, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришни планлаштиришда прогнозларнинг ролини кучайтиришга оид илмий тавсияларни ҳисобга олган ҳолда аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини шакллантиришнинг илмий методик ва социал жиҳатлари ишлаб чиқилади.

Савдо органлари билан саноат корхоналари ўртасидаги узоқ муддатли шартномаларда товарларнинг айрим группалари хилларини кўпайтириш тадбирлари кўзда тутилади. Товарлар ишлаб чиқариш ва сотишни ташкил этиш масалаларини, аҳолининг эҳтиёжларини тўғин ҳам тўлароқ қондириш масалаларини ҳал этишда саноат ва савдонинг ҳамкорлигини кучайтириш мақсадга мувофиқ деб топилди. Ишлаб чиқариш бирлашмалари (корхоналари)нинг халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш йиллик ва беш йиллик планлари саноат корхоналари билан савдо корхоналари ўртасидаги битимлар ва шартномалар асосида тузилади, уларнинг ўзаро масъулияти кучайтирилади.

Халқ истеъмол товарларини улгуржи сотишда ярмаркаларнинг самарадорлиги оширилади. Ярмаркаларда товарлар ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган хом ашё, материаллар ва комплектлаш буюмларини сотиш ташкил этилади. Товарлар ишлаб чиқариш учун зарур хом ашё, материаллар ва комплектлаш буюмлари ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасида узоқ муддатли битимлар ва йиллик шартномалар тузиш амалга оширилади.

Хизмат кўрсатиш соҳасида халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва сотишда молия—кредит омилларининг ролини ошириш лозим. Товарлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда, товарлар сифатини оширишни, аҳолига хизмат қилишни яхшилашда банк кредитидан активроқ фойдаланилади.

Янги истеъмол ҳусусиятлари билан ажралиб турувчи сифати ва хили яхшиланган товарларни ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, кам-кам қадоқланадиган товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни, аҳолининг турли табақалари эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда хизмат кўрсатишнинг янги турлари ва формаларини ривожлантиришни рағбатлантириш кучайтирилади.

Халқ истеъмол товарлари сифатини яхшилашда, хизмат кўрсатиш маданиятини оширишда ҳамда халқ истеъмол товарлари ассортиментини янгилашда давлат стандарти роли оширилади.

Ўн иккинчи беш йилликда хизмат кўрсатишнинг асосий турлари учун стандартлаш системаси ишлаб чиқилиб жорий этилади, уларда хизмат кўрсатиш шарт-шароитларида илмий жиҳатдан асосланган талаблар кўзда тутилади. Маиший, коммунал ва аҳолига кўрсатиладиган бошқа хизмат турлари сифатини контрол қилишнинг форма ва методлари такомиллаштирилиши таъминланади.

Товарлар ишлаб чиқариш ва сотиш ҳамда аҳолига хизмат кўрсатиш билан банд бўлган тармоқларда меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлаш яхшиланади. Меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг бригада ва шартнома формалари кенг жорий этилади.

Халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва сотишни ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда меҳнат коллективлари, министрликлар, идоралар ва иттифоқдош республикалар тўплаган илғор тажрибани оммалаштириш учун СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидан актив фойдаланилади.

* * *

1986—2000 йилларда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришнинг комплекс программаси ҳар бир совет оиласининг ҳаётий муҳим манфаатларини акс эттиради, аҳолининг эҳтиёжларини ижтимоий ишлаб чиқаришнинг юксалган имкониятларига ҳамда социалистик турмуш тарзини янада такомиллаштириш вазифаларига мос келадиган, янги, сифат жиҳатидан юқорироқ даражада қондиришни кўзда тутади. Инсон ҳақида, унинг эҳтиёжларини тўлароқ қондириш тўғрисида ғамхўрлик партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг доимий диққат марказида бўлиши керак.

Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари ва Министрлар Советлари, СССР министрликлари ва идоралари халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва сотишга ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасига партия ва ҳўжалик раҳбарлиги даражасини оширишлари лозим. Бозорни хилма-хил товарлар билан кўпроқ таъминлаш ва аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш учун кадрларнинг масъулиятини оширишлари, программада белгилаб берилган топшириқларни муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани кенг авж олдиришлари, бу программа амалга оширилиши устидан амалий контролни таъминлашлари керак. Халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва сотиш ҳамда аҳолига хизмат кўрсатиш билан банд бўлган корхоналарнинг коллективларида ташкилотчилик ва тарбиявий ишлар кучайтирилади.

Программа топшириқлари энг кам миқдордаги топшириқ деб ҳисобланиши керак. Уни амалга ошириш жараёнида фан-техника тараққиёти ютуқлари ва ишлаб чиқаришни янада интенсивлаш базасида халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмини кўпайтиришнинг резервлари ва қўшимча имкониятлари қидириб топилади.

Коммунистик партия ва Совет давлатининг мамлакат иқтисодий ва социал тараққиётини жадаллаштиришга қаратилган барча куч-ғайратлари пировард натижада халқнинг фаровонлигини муттасил ошириб боришга, совет кишилари ҳаётининг ҳамма томонларини яхшилашга, шаҳснинг ҳар томонлама камол топиши учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилгандир.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети ишчилар, колхозчилар, мамлакатимизнинг барча меҳнаткашлари ўзларининг фидокорона, юксак унумли меҳнатлари билан СССРнинг иқтисодий қудратини оширишга муносиб ҳисса қўшадилар, программани муваффақиятли амалга ошириш учун барча зарур ишларни қиладилар, деб қатъий ишонч билдирдилар.

ҚАРДОШЛАРЧА ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ҚЎШИЛГАН ҲИССА

ТОШКЕНТДА ЧЕХОСЛОВАКИЯ ЭКОНОМИКАСИ ВА ТЕХНИКАСИ КУНЛАРИ

8 октябрь куни Тошкентда очилган Чехословакия экономикаси ва техникаси кунларининг программаси кўп қиррали ва сермазмундир. Ўзбекистон меҳнаткашлари ўн кун мобайнида қардош социалистик мамлакат индустрияси, илм-фани, инженерлик тафаккурининг ютуқлари билан, Совет Иттифоқи ва ЧССР ўртасида мустаҳкамланиб бораётган иқтисодий алоқаларнинг характери ва истиқболлари билан таниша оладилар.

Чехословакиянинг Совет Иттифоқидаги савдо вакили, элчи Франтишек Мареш ЧССР кунлари очилиши олдидан ўтказилган матбуот конференциясида СССР билан ЧССРнинг иқтисодий алоқалари жўшқин давом этаётганлиги ва у иккала давлат учун муҳим аҳамиятга эга бўлаётганлиги ҳақида гапирди. «Мамлакатингиз биз билан энг кўп савдо-сотиқ қиладиган мамлакатдир, СССР ташқи савдосида ЧССР иккинчи ўринни эгаллаб туради, — деди у. — Шу йилнинг май ойида олий даражада имзоланган ва 2000 йилгача мўлжалланган узоқ муддатли программада белгилаб берилган ҳамкорликни ривожлантиришда бундан буён қўйиладиган қадамларни мен улкан одимлар, деган бўлур эдим».

Ф. Мареш айтдики, Чехословакия экономикаси ва техникаси кунларини ўтказиш учун Тошкент танлаб олинганлиги Ўзбекистондан ЧССРга кўп маҳсулотлар (пахта толалари, алюминий, радиодеталлар, кабель, ип йигириш машиналари ва пармалаш машиналари) ва ЧССРдан Ўзбекистонга кўп маҳсулотлар (насос станциялари, химия машина-ускуналари, трамвай ва троллейбуслар, юк машиналари, енгил индустрия машиналари, медицина техникаси, халқ истеъмол моллари) юборилаётганлиги тақозоси билан чекланмайди. «Биз Ўзбекистон ССР халқи билан Чехословакия халқи ўртасида кўп йиллик қардошлик алоқаларини мустаҳкамлаша ҳисса қўшиш иштиёқларига ҳам амал қилдик — чунки, бундай алоқалар Юлиус Фучик замонларидан бошланганлиги маълум», — деб таъкидлади савдо вакили.

Ўн кун мобайнида чехословакиялик меҳмонлар ҳам, Ўзбекистон пойтахтининг кўпгина меҳнат коллективлари, мутахассислари ҳам кўпдан кўп мароқли ва муҳим тадбирларнинг гувоҳи бўладилар. ЧССР инженерлари ва олимлари кўпгина министрликлар ва идоралар-да, корхоналарда қардош мамлакат индустрияси тараққиётининг энг истиқболли йўналишлари — машинасозлик, озиқ-овқат, енгил саноат, мебель саноати, қишлоқ ва коммунал хўжалиги, савдо-сотиқ ва омбор ишлари тўғрисида лекциялар ўқийдилар. Республика Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги экспозицияда асосан ўзбек пахтасидан ЧССРда тайёрланаётган моллар ва буюмлар намойиш этилмоқда. 1986 йилги Чехословакия модасини кўрсатиш, энг янги технологияларни қўлланиб ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан чашнак олиш ва бошқа кўп ишларни амалга ошириш мўлжалланган. Программада Чехословакияни фашизмдан озод этишда қатнашган улуғ Ватан урушининг ветеранлари билан учрашувлар. Юлиус Фучик музейини бориб кўриш, Тошкент трактор заводининг ишчилари билан учрашув ҳам кўзда тутилган.

Чехословакия экономикаси ва техникаси кунлари очилиши муносабати билан қардош мамлакатнинг ЧССР ҳукумати раисининг ўринбосари Карол Лацо бошчилигидаги ҳукумат делегацияси Тошкентга келди.

8 октябрь куни делегация Ўзбекистон пойтахтининг бош майдонидаги В. И. Ленин ҳайкали пойига гулдасталар қўйди. Номаълум солдат қабрига гулчамбар қўйилди.

Шу куни Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида Чехословакия экономикаси ва техникаси кунларининг тантанали очилиш маросими бўлди. Чехословакия Социалистик Республикаси, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР давлат гимнлари ижро этилди. ЧССР ҳукумати раисининг ўринбосари К. Лацо ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ғ. З. Заҳриддинов йиғилганлар ҳузурида нутқ сўзладилар.

(ЎзТАГ).

• Беш йиллик гвардияси

ҲАКИМЗЯНОВ БРИГАДАСИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Нургаян Ҳакимзянов бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси КПСС XXVII съезди олдидан ўз зиммасига қабул қилган социалистик мажбуриятини шараф билан бажарди. Тошкентдаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли 159-қурилиш трестига қарашли 10-бошқарманинг бу коллективи ўн биринчи беш йиллик планига мувофиқ 1 миллион 220 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариши лозим эди. Мажбуриятда белгиланганига қараганда деярли икки баравар кўп — 2 миллион 485 минг сўмлик иш бажарилди.

Бригада 1981—1985 йилларда 4805 ўқувчига мўлжалланган тўртта мактаб ва 10 минг квадрат метрдан ортиқ уй-жой қуриб фойдаланишга топширди. Айни вақтда 11 минг сўмлик қурилиш материалларн тежаб қолинди.

Йигирма тўрт монтажчи, пайвандчи, арматурачи Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига йўлланган рапортда қуйидагиларни ёзади: «Биз иш вақтидан унумли фойдаланганлигимиз, турдош касбларни эгаллаб, меҳнатнинг илғор усулларини қўлланганлигимиз туфайли бундай муваффақиятга эришдик. Йил охиригача яна 60 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариш мажбуриятини оламиз». (ЎзТАГ).

ХОТИН-ҚИЗЛАР ЎРТАСИДА ИШЛАШГА ЭЪТИБОР КУЧАЙТИРИЛСИН

8 октябрь куни Тошкентда илғор анъаналар, урф-одатлар ва маросимларни пропаганда қилиш, ривожлантириш ва жорий этиш негизида совет турмуш тарзини такомиллаштириш республика кенгаши хотин-қизлар ўртасида ишлаш комиссиясининг мажлиси бўлди.

Сирдарё область хотин-қизлар ўртасида ишлаш комиссиясининг фаолияти муҳокама қилинди. Муайян ижобий тажриба мавжудлиги билан бир қаторда комиссия фаолиятидаги камчиликлар уқтириб ўтилди: хотин-қиз кадрларни раҳбарлик лавозимларига кўтаришга, хотин-қизларни ишлаб чиқариш соҳасига жалб этишга, областдаги меҳнаткаш хотин-қизлар учун зарур меҳнат, турмуш ва дам олиш шароитларини яратишга кам эътибор берилмоқда. Ғоявий-тарбиявий ишлар ҳам яхшиланиши керак.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг хотин-қизлар социал ва меҳнат активлигини ошириш масалаларини ёритиш соҳасидаги иши кўриб чиқилди. Телевидение ва радио журналистлари ижодий изланишларини кучайтиришлари, эшиттиришларда хотин-қизларни тўлқинлантирадиган проблемаларни дадилроқ кўтариб чиқишлари, бу эшиттиришлар жонли ва қизиқарли бўлишига эришишлари лозим. Программалар тематикасининг актуал бўлишига, уларнинг ғоявий ва бадиий савиясини оширишга алоҳида эътибор бериш тавсия этилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан кўрсатиб ўтилган камчиликларни тугатишга, хотин-қизлар ўртасидаги ишларни кучайтиришга қаратилган тавсиялар қабул қилинди.

(ЎзТАГ).

Редактор Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

Р—09504. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Индекс 64690 А-2237. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12